

«МАЪҚУЛЛАНАН»

Кузатув кенгаши томонидан
2022 йил “__” _____ даги
баённомага мувофик
Кузатув кенгаши раиси

_____ Д.Ш. Султонов
м.ў.

“TOSHSANARTRANSXIZMAT”

Акциядорлик жамиятининг

2023 йил учун

БИЗНЕС РЕЖАСИ

Давлат номидан акциядор (иштирокчи,
таъсисчи) функциясини бажарувчи
ташкилот номи

Идоравий мансублиги

Почта манзили, е-хат манзили
(ёки электрон почта манзили)

СТИР

Ижроия органи раҳбари

Бош бухгалтер

Ўзбекистон Республикаси
Транспорт вазирлиги

Тошкент шаҳар ҳокимлиги

100000, Тошкент ш., Юнусобод тумани,
Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй.
e-mail: info@tashbus.uz

302 762 364

Джураев Анвар Заппарович

Исламова Ольга Александровна

I. Жамият тўғрисида умумий маълумот

1.1. Жамият реквизитлари (умумий маълумотлар, жамият паспорти)

“Тошшаҳартрансхизмат” акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 9 октябрдаги “Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2048-сон, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 13 ноябрдаги “Шаҳар йўловчи ташиш транспорти тизимини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 308-сон қарорларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2013 йил 26 ноябрдаги 20к-ПО-сон буйруғига асосан ташкил этилган.

Жамиятнинг номи:	тўлиқ	қисқартирилган
Ўзбек тилида	“Toshshahartransxizmat” aksiyadorlik jamiyati	“Toshshahartransxizmat” AJ
Рус тилида	Акционерное общество "Тошшахартрансхизмат"	АО "Тошшахартрансхизмат"
Инглиз тилида	"Toshshahartransxizmat" Joint-Stock Company	"Toshshahartransxizmat" JSC

Ташкилий-ҳуқуқий шакли: Акциядорлик жамияти

Фаолият тури: Тошкент шаҳри ва атрофида жамоат транспортида йўловчи ташиш хизмати

Тармок: Транспорт

Юридик манзили: 100000, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Веб.сайт: www.tashbus.uz.

Устав капитали: 154 060 626,0 минг сўм.

Чиқарилган акциялари сони: 154 060 626 дона, ҳар бир акциянинг номинал қиймати 1 000 сўмдан.

Статистик таснифлари: (ХХТУТ: 51600, КТУТ: 24196255, МҲОБТ: 1726266)

СТИР: 302762364

Ҳисоб рақами ва хизмат кўрсатувчи банки: “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Амалиёт бошқармаси, ҳисоб рақами: 2021 0000 3002 6945 7001 МФО: 00440.

Жамият ўз мақсадларига эришиш учун фаолият ва хизмат кўрсатишнинг қуйидаги турларини амалга оширади:

- мулкчилик шаклларида катъи назар, жамият таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотларнинг шаҳар йўловчилар ташиш транспорти томонидан кўрсатиладиган сифатли хизматларга бўлган аҳоли эҳтиёжларини тўлиқ кондиришга, шунингдек улар ишининг самарадорлигини ва молиявий барқарорлигини оширишга йўналтирилган фаолиятини мувофиқлаштириш;

- йўловчилар ташувлари хавфсизлигини ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятининг юқори даражасини таъминлаш, жамоат транспорти катновларида транспорт воситалари ҳаракатлари маромига, белгиланган жадвалига ва интервалларига риоя этиш устидан назоратни олиб бориш;

- транспорт воситаларининг мулк шаклидан ва идоравий мансублигидан катъий назар ер усти йўловчи транспорти йўналишларида шартнома асосида ҳаракат назоратини ташкил этиш;

- жамоат транспортида автоматлаштирилган тўлов тизимини жорий этиш;

- диспетчерлик хизматини ташкил этиш, ташишларни бошқариш жараёнларини автоматлаштириш, транспорт воситаларини тасарруф ишларини умумий ахборот тизими билан таъминлаш;

- йўналишларнинг ҳаракат жадвалларини тузиш, ҳаракат жадвалларининг бажарилишини назорат қилиш ва бажарилган катновларнинг ҳисобини олиб бориш;

- шаҳар йўловчи ташиш транспорти тизимига шаҳар йўловчи ташиш транспортини бошқаришга оид рақамли технологияларнинг жорий қилиниши жамоат транспорти ҳаракат жадваллари ва оралиқ қатнов вақтларига риоя этилиши, ҳаракат таркибларининг (он-лайн) режимидаги қатновларининг масофавий (GPS) назорат тизимини жорий этиш;

- кадрлар ва мутахассисларни ўқув юртларида тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларни ишлаб чиқаришда малакасини ҳамда тажрибасини оширишни таъминлаш;

- реклама фаолияти, автотранспорт воситаларида ва автобус оралиқ бекатларида реклама учун жой ажратиш;

- Жамият тизимидаги корхоналар самарадорлигини ошириш ва молиявий ҳолатини барқарорлаштиришга қаратилган ишлаб чиқариш ва хизматларнинг янги турларини жорий этиш.

Жамият ва Жамият ташкилий тузилмасига кирувчи корхона ва филиаллар тўғрисида паспорт маълумотлари:

(2022 йил 1 ноябрь ҳолатига)

т/р	Жамият тизимидаги корхона ва филиаллар номи	Умумий ер майдони (м2)	Бино-иншоотлар майдони (м2)	Ходимлар сони (нафар)	Ҳаракат таркиби сони (дона)	Йўналишлар сони
1.	“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ	423381	123820	3888	1305	145
	Шу жумладан филиаллар				1277	
1.1	“1-автобус саройи”	53675	14274	402	146	16
1.2	“2-автобус саройи”	75107	21500	498	174	17
1.3	“4-автобус саройи”	36942	12785	414	136	13
1.4	“5-автобус саройи”	42590	16370	440	141	15
1.5	“7-автобус саройи”	55690	19748	412	151	18
1.6	“8-автобус саройи”	66249	12671	688	216	25
1.7	“12-автобус саройи”	46139	9800	439	147	19
1.8	“18-автобус саройи”	46989	16672	486	166	22
2.	“Тошавтотаъмирхизмат” УК	-	-	181	-	-
3.	“Тошавтобустранс” УК	-	-	31	28	-
	Жами:	423 381	123 820	4395	1305	145

1.2. Жамиятнинг ташкилий ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмаси, тармоқ корхоналари тўғрисида маълумот

Бугунги кунда Жамият тизимида 8 та юридик шахс мақомига эга бўлмаган филиал шаклидаги автобус саройлари мавжуд бўлиб, улар 145 та шаҳар ичи йўналишларида катта ўрта ва кичик сифимли автобусларда йўловчи ташишни амалга оширадилар. Шунингдек, “Тошавтотаъмирхизмат” УК автобусларга сервис хизматларини кўрсатиш ва жорий таъмирлашни, шунингдек, белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунда келтирилган тартиб-тамойилларга асосан автобус саройларининг ҳаракат таркиби учун эҳтиёт қисмлар ва материалларни марказлашган ҳолда харид қилишни таъминлайди.

“Тошавтобустранс” УК фаолиятининг асосий предмети Тошкент шаҳар ва шаҳарлараро йўловчиларни ташиш, аҳолига барча турдаги транспорт хизматларини кўрсатишдан иборат.

2022 йилнинг 1 ноябрь ҳолатига Жамият таркибига юридик мақомга эга “Тошавтотаъмирхизмат” УК ва “Тошавтобустранс” УК унитар корхоналари, шунингдек юридик мақомга эга бўлмасдан фаолият кўрсатаётган 8 та автокорхоналарнинг ҳар бири тўғрисида қуйида қисқача маълумот келтирилади.

“1-автобус саройи” филиали 1984 йилда ташкил этилган бўлиб, Тошкент ш., Яшнобод тумани, кўч. Уйсозлар, 3. Корхонанинг асосий фаолияти йўловчи ташиш ҳисобланади.

Корхонада бир вақтнинг ўзида 8 та ўрта сифимли ва 12 та катта сифимли автобусларни таъмирлашга мўлжалланган, 1463 м² майдонга эга махсус жиҳозланган таъмирлаш зонаси мавжуд. Шунингдек, корхона ҳудудида 560 м² майдонли автобус ювиш шохобчаси ва 2 донa диспенсерга мўлжалланган ёқилғи қуйиш шохобчаси мавжуд.

Корхонада 16 та йўналиш бўйича йўловчиларни шаҳар бўйлаб мунтазам ташиш амалга оширилиб, шундан 6 тасида катта сифимли автобуслар, 3 тасида ўрта сифимли ва 7 тасида кичик сифимли автобуслар билан фаолият кўрсатилади. Ҳаракат таркибини иш кунларида йўналишга 102 та, шанба кунлари 89 та ва якшанба кунлари 82 та режалаштирилган.

Бугунги кунда “1-автобус саройи” филиали барқарор фаолият кўрсатаётган автотранспорт корхонаси бўлиб, унинг тасарруфида 146 та автобус мавжуд. Ҳаракатланувчи таркибнинг 94 таси йўналишда ишлайди, техник носоз автобуслар 52 тани ташкил қилади, шундан 26 тасини таъмирлаш молиявий жиҳатдан самарасиз автобуслар. (Ушбу автобуслар яқин давр мобайнида ҳисобдан чиқариш режалаштирилган).

“2-автобус саройи” филиали 1963 йилда ташкил этилган бўлиб, Тошкент ш., Яшнобод тумани, кўч. Паркент ш., 263 уйда жойлашган. Корхонанинг асосий фаолияти йўловчи ташиш ҳисобланади.

Корхонада бир вақтнинг ўзида 6 та ўрта сифимли ва 14 та катта сифимли автобусларни таъмирлашга мўлжалланган 2266 м² майдонга эга махсус жиҳозланган таъмирлаш майдони мавжуд. Шунингдек, корхона ҳудудида 655 м² майдонга эга автобус ювиш шохобчаси ва 2 та диспенсерга мўлжалланган ёқилғи қуйиш шохобчаси мавжуд.

Корхонада 17 та йўналиш бўйича йўловчиларни шаҳар бўйлаб мунтазам ташиш амалга оширилиб, шундан 9 таси катта сифимли автобуслар, 5 таси ўрта сифимли ва 3 та кичик сифимли автобуслардир. Ҳаракат таркибини иш кунларида линияга чиқариш режалаштирилган 126 бирликни, шанба кунлари эса 111 донa ва якшанба кунлари 100 бирлик.

Бугунги кунда “2-автобус саройи” филиали барқарор фаолият кўрсатаётган автотранспорт корхонаси бўлиб, тасарруфида 174 та автобус мавжуд. Ҳаракатланувчи таркибнинг 113 таси йўналишда ишлайди, техник носоз автобуслар 61 тани ташкил қилади, шундан 30 тасини таъмирлаш молиявий жиҳатдан самарасиз автобуслар. (Ушбу автобуслар яқин давр мобайнида босқичма-босқич ҳисобдан чиқариш режалаштирилган).

“4-автобус саройи” филиали 1962 йилда ташкил этилган бўлиб, Тошкент ш., Сирғали тумани, кўч. Чоштепа., 27 уйда жойлашган. Корхонанинг асосий фаолияти йўловчи ташиш ҳисобланади.

Корхонада бир вақтнинг ўзида 8 та ўрта сифимли ва 8 та катта сифимли автобусларни таъмирлашга мўлжалланган 1397 м² майдонга эга махсус жиҳозланган таъмирлаш майдони мавжуд. Шунингдек, корхона ҳудудида 529 м² майдонга эга автобус ювиш шохобчаси ва 3 та диспенсерга мўлжалланган ёқилғи қуйиш шохобчаси мавжуд.

Корхонада 13 та йўналиш бўйича йўловчиларни шаҳар бўйлаб мунтазам ташиш амалга оширилиб, шундан 5 таси катта сифимли автобуслар, 3 таси ўрта сифимли ва 5 та кичик сифимли автобуслардир. Ҳаракат таркибини иш кунларида линияга чиқариш режалаштирилган 117 бирликни, шанба кунлари эса 106 донa ва якшанба кунлари 93 бирлик.

Бугунги кунда “4-автобус саройи” филиали барқарор фаолият кўрсатаётган автотранспорт корхонаси бўлиб, тасарруфида 136 та автобус мавжуд. Ҳаракатланувчи таркибнинг 105 таси йўналишда ишлайди, техник носоз автобуслар 31 тани ташкил қилади, шундан 9 тасини таъмирлаш молиявий жиҳатдан самарасиз автобуслар. (Ушбу автобуслар яқин давр мобайнида босқичма-босқич ҳисобдан чиқариш режалаштирилган).

“5-автобус саройи” филиали 1988 йилда ташкил этилган бўлиб, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, кўч. Шаббода., 2 уйда жойлашган. Корхонанинг асосий фаолияти йўловчи ташиш ҳисобланади.

Корхонада бир вақтнинг ўзида 6 та ўрта сифимли ва 15 та катта сифимли автобусларни таъмирлашга мўлжалланган 1523 м² майдонга эга махсус жиҳозланган таъмирлаш майдони мавжуд. Шунингдек, корхона ҳудудида 455 м² майдонга эга автобус ювиш шохобчаси ва 1 та диспенсерга мўлжалланган ёқилғи қуйиш шохобчаси мавжуд.

Корхонада 15 та йўналиш бўйича йўловчиларни шаҳар бўйлаб мунтазам ташиш амалга оширилиб, шундан 4 таси катта сигимли автобуслар, 6 таси ўрта сигимли ва 5 та кичик сигимли автобуслардир. Ҳаракат таркибини иш кунларида линияга чиқариш режалаштирилган 115 бирликни, шанба кунлари эса 105 дона ва якшанба кунлари 96 бирлик.

Бугунги кунда “5-автобус саройи” филиали барқарор фаолият кўрсатаётган автотранспорт корхонаси бўлиб, тасарруфида 141 та автобус мавжуд. Ҳаракатланувчи таркибнинг 111 таси йўналишда ишлайди, техник носоз автобуслар 30 тани ташкил қилади, шундан 7 тасини таъмирлаш молиявий жиҳатдан самарасиз автобуслар. (Ушбу автобуслар яқин давр мобайнида босқичма-босқич ҳисобдан чиқариш режалаштирилган).

“7-автобус саройи” филиали, 1970 йилда қуриб ишга туширилган. Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, шох кўча. Бунёдор, 49 уйда жойлашган. Корхонанинг асосий фаолияти йўловчи ташиш ҳисобланади.

Корхонада бир вақтнинг ўзида 8 та ўрта сигимли ва 10 та катта сигимли автобусларни таъмирлашга мўлжалланган 2665 м² майдонга эга махсус жиҳозланган таъмирлаш майдони мавжуд. Шунингдек, корхона ҳудудида 572 м² майдонга эга автобус ювиш шохобчаси ва 1 та диспенсерга мўлжалланган ёқилғи қуйиш шохобчаси мавжуд.

Корхонада 18 та йўналиш бўйича йўловчиларни шаҳар бўйлаб мунтазам ташиш амалга оширилиб, шундан 7 таси катта сигимли автобуслар, 3 таси ўрта сигимли ва 8 та кичик сигимли автобуслардир. Ҳаракат таркибини иш кунларида линияга чиқариш режалаштирилган 117 бирликни, шанба кунлари эса 105 дона ва якшанба кунлари 102 бирлик.

Бугунги кунда “7-автобус саройи” филиали барқарор фаолият кўрсатаётган автотранспорт корхонаси бўлиб, тасарруфида 151 та автобус мавжуд. Ҳаракатланувчи таркибнинг 102 таси йўналишда ишлайди, техник носоз автобуслар 49 тани ташкил қилади, шундан 20 тасини таъмирлаш молиявий жиҳатдан самарасиз автобуслар. (Ушбу автобуслар яқин давр мобайнида босқичма-босқич ҳисобдан чиқариш режалаштирилган).

“8-автобус саройи” филиали, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Янги шаҳар кўчаси, 7 уйда жойлашган. Корхонанинг асосий фаолияти йўловчи ташиш ҳисобланади.

Корхонада бир вақтнинг ўзида 10 та ўрта сигимли ва 10 та катта сигимли автобусларни таъмирлашга мўлжалланган 2112 м² майдонга эга махсус жиҳозланган таъмирлаш майдони мавжуд. Шунингдек, корхона ҳудудида 509 м² майдонга эга автобус ювиш шохобчаси ва 3 та диспенсерга мўлжалланган ёқилғи қуйиш шохобчаси мавжуд.

Корхонада 25 та йўналиш бўйича йўловчиларни шаҳар бўйлаб мунтазам ташиш амалга оширилиб, шундан 9 таси катта сигимли автобуслар, 6 таси ўрта сигимли ва 10 та кичик сигимли автобуслардир. Ҳаракат таркибини иш кунларида линияга чиқариш режалаштирилган 173 бирликни, шанба кунлари эса 154 дона ва якшанба кунлари 132 бирлик.

Бугунги кунда “8-автобус саройи” филиали барқарор фаолият кўрсатаётган автотранспорт корхонаси бўлиб, тасарруфида 216 та автобус мавжуд. Ҳаракатланувчи таркибнинг 174 таси йўналишда ишлайди, техник носоз автобуслар 42 тани ташкил қилади, шундан 10 тасини таъмирлаш молиявий жиҳатдан самарасиз автобуслар. (Ушбу автобуслар яқин давр мобайнида босқичма-босқич ҳисобдан чиқариш режалаштирилган).

“12-автобус саройи” филиали, Тошкент шаҳри, Янги ҳаёт тумани, Дўстлик даҳаси, 12 уйда жойлашган. Корхонанинг асосий фаолияти йўловчи ташиш ҳисобланади.

Корхонада бир вақтнинг ўзида 10 та ўрта сигимли ва 10 та катта сигимли автобусларни таъмирлашга мўлжалланган 3108 м² майдонга эга махсус жиҳозланган таъмирлаш майдони мавжуд. Шунингдек, корхона ҳудудида 312 м² майдонга эга автобус ювиш шохобчаси ва 2 та диспенсерга мўлжалланган ёқилғи қуйиш шохобчаси мавжуд.

Корхонада 19 та йўналиш бўйича йўловчиларни шаҳар бўйлаб мунтазам ташиш амалга оширилиб, шундан 4 таси катта сигимли автобуслар, 4 таси ўрта сигимли ва 11 та кичик сигимли автобуслардир. Ҳаракат таркибини иш кунларида линияга чиқариш режалаштирилган 126 бирликни, шанба кунлари эса 113 дона ва якшанба кунлари 98 бирлик.

Бугунги кунда “12-автобус саройи” филиали барқарор фаолият кўрсатаётган автотранспорт корхонаси бўлиб, тасарруфида 147 та автобус мавжуд. Ҳаракатланувчи

таркибнинг 102 таси йўналишда ишлайди, техник носоз автобуслар 45 тани ташкил қилади, шундан 27 тасини таъмирлаш молиявий жиҳатдан самарасиз автобуслар. (Ушбу автобуслар яқин давр мобайнида босқичма-босқич ҳисобдан чиқариш режалаштирилган).

“18-автобус саройи” филиали, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, ТКАД кўчаси, 8а уйда жойлашган. Корхонанинг асосий фаолияти йўловчи ташиш ҳисобланади.

Корхонада бир вақтнинг ўзида 9 та ўрта сигимли ва 6 та катта сигимли автобусларни таъмирлашга мўлжалланган 2674 м² майдонга эга махсус жиҳозланган таъмирлаш майдони мавжуд. Шунингдек, корхона ҳудудида 526 м² майдонга эга автобус ювиш шохобчаси ва 2 та диспенсерга мўлжалланган ёкилғи куйиш шохобчаси мавжуд.

Корхонада 22 та йўналиш бўйича йўловчиларни шаҳар бўйлаб мунтазам ташиш амалга оширилиб, шундан 7 таси катта сигимли автобуслар, 6 таси ўрта сигимли ва 9 та кичик сигимли автобуслардир. Ҳаракат таркибини иш кунларида линияга чиқариш режалаштирилган 141 бирликни, шанба кунлари эса 118 дона ва якшанба кунлари 107 бирлик.

Бугунги кунда “18-автобус саройи” филиали барқарор фаолият кўрсатаётган автотранспорт корхонаси бўлиб, тасарруфида 166 та автобус мавжуд. Ҳаракатланувчи таркибнинг 120 таси йўналишда ишлайди, техник носоз автобуслар 46 тани ташкил қилади, шундан 27 тасини таъмирлаш молиявий жиҳатдан самарасиз автобуслар. (Ушбу автобуслар яқин давр мобайнида босқичма-босқич ҳисобдан чиқариш режалаштирилган).

“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ тизимидаги 2 та унитар корхона фаолияти бўйича 2022 йилнинг 1 ноябрь ҳолатига куйида қисқа маълумотлар келтирилади:

“Тошавтотаъмирхизмат” унитар корхонаси 2014 йилда Корхона «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик жамияти тизимидаги «MERCEDES BENZ» CXM, «BIRINCHI AVTOTA’MIR SERVIS», «IKKINCHI AVTOTA’MIR SERVIS» ва «UCHINCHI AVTOTA’MIR SERVIS» шўъба корхоналарнинг қўшиб юбориш шаклида қайта ташкил этиш топган бўлиб, унинг асосий вазифалари:

- “Тошшаҳартрансхизмат” акциядорлик жамиятининг тизим корхоналари эҳтиёжлари учун уларнинг буюртмаларига асосан етказиб берувчилардан зарурий товар-моддий бойликларни Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунда келтирилган тартиб-тамойилларга асосан марказлаштирилган тартибда сотиб олиш;

- автотранспорт хизматларини кўрсатиш масалалари бўйича ахборот-таҳлилий ишларни амалга ошириш;

- автобусларга сервис хизматларини кўрсатиш, тиклаш ва жорий таъмирлаш ишларини режалаштириш, улар сифатли бажарилишини назорат қилиш;

- автобуслар ва бошқа автотранспорт воситалари учун эҳтиёт қисмлар, бутловчи қисмлар, мойлаш материаллари ва асбоб-ускуналарга бўлган эҳтиёжларга асосланган ҳолда буюртмалар тузиш;

- автобуслар ва бошқа автотранспорт воситалари учун эҳтиёт қисмлар, бутловчи қисмлар, мойлаш материаллари ва асбоб-ускуналарга бўлган истикболий эҳтиёжларни ўрганиш;

- автобуслар рейсдан чиқиб, саройларга кириб кетиши ҳолатларини камайитишга қаратилган амалий чораларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- автобусларга сервис хизмат кўрсатилиши ва улар таъмирланиши сифатини ҳамда умуман корхона фаолиятини мониторинг қилиш;

- бепул асосда олинган кафолатли эҳтиёт қисмлар ва бутловчи қисмларни тақсимлаш;

- ҳар куни сервис хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш жараёнида бўлган ҳаракатланувчи таркиб сони, автобус саройларида техник носозликлар сабабли рейсдан чиқиб, гаражга кирган автобуслар сони, корхона ходимларининг олдинги кундаги тунги навбати натижалари ҳақида ахборот йиғиш ва уни Жамиятнинг техник тайёргарлик бўйича масъул бўлган таркибий бўлинма раҳбари тақдим этишдан иборат.

“Тошавтобустрас” унитар корхонаси 2022 йилнинг 20 октябрида “Toshshahaxartransxizmat” акциядорлик жамияти 229-сонли буйруғига асосан “Автомобилчи болалар соғломлаштириш оромгоҳи” унитар корхонасининг балансидаги мол-мулк ва бино иншоотларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги “Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғриси”даги ПҚ-168-сонли Қарорига асосан Давлат активларини бошқариш агентлигига бепул берилганлиги сабабли, Жамият ушбу унитар корхонани “TOSHAUTOBUSTRANS” унитар корхона номига ўзгартирилиши ҳамда “TOSHAUTOBUSTRANS” Унитар корхонаси, “Avtomobilchi bolalarni soglomlashtirish” Унитар корхонасининг ҳуқуқий вориси сифатида фаолият турини ҳам ўзгартирган ҳолда қайта ташкил этиш юзасидан қарор қабул қилди. Ҳамда янги “TOSHAUTOBUSTRANS” унитар корхонасининг асосий вазифалари:

фойдаланиш учун қабул қилиб олинган асосий фондлар ва айланма воситаларнинг лозим даражада сақланиши, техник меъёрлар ва қондаларга мувофиқ ҳамда белгиланган муддатларда уларнинг жорий ва капитал таъмирланишини;

- мулк шаклидан қатъий назар тармоқ транспорт корхоналарига кўрсатиладиган транспорт хизматлари сифатини ошириш;

- кўрсатиладиган нозимлик хизматлари, бажариладиган ишлар ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар учун ҳақ олишда давлат нарх ва тариф интизомларига қатъий риоя этилишини;

- Корхона ишчиларининг иш натижаларидан манфаатдорлигини таъминлаш имконини берадиган ички ишлаб чиқариш хўжалик механизмини такомиллаштириш;

- меҳнат жамоаси аъзолари ва уларнинг oilаларининг меҳнат килиш, турмуш, саломатлик шароити масалаларини ҳал этиш, ходимларнинг моддий фаровонлиги оширилишини таъминлаш;

- меҳнат интизомига риоя этиш;

- Корхона фаолияти натижаларининг тезкор ва бухгалтерлик ҳисобларини ўз вақтида олиб бориш, давлат статистика идоралари ва Таъсисчи белгилаган тартибда статистик ҳисоботларни олиб бориш;

- солиқ ва бошқа бюджет тўловларининг тегишли корхоналар ва Таъсисчининг жамғармаларига тўловларни ўз вақтида амалга оширишдан иборат.

Жамият тизимига кировчи корхоналар рўйхати:

№	Корхона номи	Улуш миқдори (%)	Устав капитали (млн.сўм)	Фаолият йўналиши	Олинган даромад (дивиденд)		Киритилган инвестициялар	
					2021 й	2022 й	2021 й	2022 й
1. Тизимдаги корхоналар								
1.1	“Тошавтотаъмирхизмат” УҚ	100	337,0	сервис хизмати	Олинган даромадлари корхонанинг айланма маблағларини кенгайтиришга йўналтирилган.	Инвестиция киритилмаган.	Инвестици я киритилма ган.	
1.2	“Тошавтобустранс” УҚ	100	2,8	йўловчи ташиш хизмати	2022 йил октябрь ойида фаолияткўрсатишни бошлаган.	Инвестиция киритилмаган.	Инвестици я киритилма ган.	
Жами:			339,8					

1.3. Жамият бугунги кун ҳолатигача бўлган тарихи

Тошкент шаҳар йўловчи ташиш транспорти тизими кўп йиллик тарихга эга. Жумладан, Тошкент трамвайи **100 йилдан ортиқ** фаолият кўрсатган, бугунги кунда Жамият тизимига кирувчи автобус саройларига ҳам 60 йилдан ошди, шулардан 4-автобус саройи (аввалги 4-автокомбинат) 1962 йилда, 2-автобус саройи (аввалги 2-автокомбинат) 1963 йилда, 7-автобус саройи 1970 йилда қуриб ишга туширилган.

Мустақиллик шарофати билан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 4 июндаги “Тошкент шаҳар йўловчилар транспортини бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-425-сон Фармонида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 5 июндаги “Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш транспорти корхоналари давлат уюшмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 266-сон қарорига асосан **“Тошшаҳарйўловчитранс” Давлат уюшмаси ташкил қилинди.**

Кейинчалик, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 22 декабрдаги “Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-3366-сон Фармонида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 11 июндаги “Тошшаҳарйўловчитранс” давлат уюшмасини “Тошшаҳарйўловчитранс” акциядорлик компаниясига айлантириш тўғрисида”ги 277-сон қарорига мувофиқ, “Тошшаҳарйўловчитранс” давлат уюшмаси **“Тошшаҳарйўловчитранс” акциядорлик компаниясига айлантирилди.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги “Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-3713-сон Фармони ва 2006 йил 18 январдаги “Тошшаҳартрансхизмат” уюшмаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг йўловчи транспорти барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-262-сон қарори, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 январдаги “Тошкент шаҳрида йўловчи транспорти тизимини янада такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги 11-сон қарори билан “Тошшаҳарйўловчитранс” акциядорлик компанияси тугатилиб, унинг негизида **“Тошшаҳартрансхизмат” уюшмаси** тузилди. Юқорида айтилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга биноан “Тошавтобустранс”, “Тошпассермсервис” акциядорлик компаниялари ва “Тошэлектротранс” давлат компанияси ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 9 октябрдаги “Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2048-сон қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 13 ноябрдаги “Шаҳар йўловчи ташиш транспорти тизимини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 308-сон қарорига асосан “Тошшаҳартрансхизмат” уюшмаси, “Тошавтобустранс”, “Тошпассермсервис” акциядорлик компаниялари ва “Тошэлектротранс” давлат компанияси тугатилиб улар ўрнига **“Тошшаҳартрансхизмат” акциядорлик жамияти** тузилди. “Тошшаҳартрансхизмат” акциядорлик жамияти Тошкент шаҳри аҳолисига йўловчи ташиш хизматларини кўрсатувчи корхоналар фаолиятини мувофиқлаштирувчи бошқарув органи сифатида фаолият кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6096-сон Фармонида мувофиқ трансформация қилинадиган йирик корхоналар рўйхатига киритилди. Мазкур Фармонга мувофиқ, ҳамда “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ ягона акциядорининг 2021 йил 11 октябрдаги 4-сон қарорига асосан 2021 йил ноябрь ойида жамият тизимидаги 8 та юридик шахс мақомидаги автобус саройлари юридик мақомига эга бўлмаган Жамиятнинг филиалларига айлантирилди. Жамият мазкур автобус саройларининг ҳуқуқий ворисига айланди ва йўловчи ташувчи мақомига эга бўлди.

1.4. Жамият филиалларидаги мавжуд қувватлардан фойдаланиш ҳолати.

“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ ҳаракат таркиби ҳолати 2022 йил учун қуйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади: автобус саройлари тасарруфида жами 1277 та автобус мавжуд бўлиб, шундан 385 та “Mercedes-Benz LowFloor” русумли, 145 та “MAN A22 CNG” русумли, 257 та “SAZ LE60” русумли, 250 та “ISUZU SAZ NP37” русумли, 220 та “ISUZU SAZ HC40” русумли ва 20 та электробус “YUTONG” русумли автобуслардир. Ҳаракат таркибининг ўртача ёши 6,8 йилни ташкил этиб, 10 йилдан ортиқ муддат давомида тасарруф этилаётган автобуслар сони 382 та ёки жами ҳаракат таркибининг 29,9%ни ташкил этади (285 та “Mercedes-Benz LowFloor” русумли, 1 та “MAN A22 CNG” русумли ва 96 та “ISUZU SAZ NP37” русумли).

Бизнес режани ишлаб чиқиш жараёнида “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ филиалларининг ҳаракатланувчи таркиби ҳолати жойига ташриф билан таҳлил қилинди. Жадвалда 2021-2022 йиллардаги маълумотлар келтирилди.

01.11.2022 йил ҳолатига “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ таркибига кирувчи корхоналарнинг ҳаракатланувчи таркиби сони 1277 тани ташкил этади. Ўртача хизмат муддати 6,8 йил.

Улардан автобус маркалари бўйича:

- 385 дона «Mercedes-Benz Conecto Low Floor» автобуслари ўртача хизмат қилиш муддати 11,1 йил;

- «MAN A22 CNG» автобуслари - ўртача хизмат муддати 3,7 йил бўлган 145 дона;

- «SAZ LE-60» русумли автобуслар - ўртача ишлаш муддати 1,4 йил бўлган 257 дона миқдориди;

- «Isuzu SAZ NP-37» русумли автобуслар - ўртача ишлаш муддати 9,6 йил бўлган 250 дона;

- «Isuzu SAZ NP-40» русумли автобуслар - ўртача ишлаш муддати 5,2 йил бўлган 220 дона;

- «YUTONG BEVG ZK 6126» маркали электроавтобуслар – 20 дона ҳажмда, ўртача ишлаш муддати 0,7 йил.

Ҳаракат таркиби ҳолати 2021 йил учун қуйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади: корхоналар балансида жами 1167 та автобус мавжуд бўлган, улардан 422 таси “Mercedes-Benz LowFloor” русумли, 131 таси “MAN A22 CNG” русумли, 92 таси “SAZ LE60” русумли, 302 та “ISUZU SAZ NP37” русумли ва 220 та “SAZ HC40” русумли автобуслардир. 2021 йилда йўловчиларни шаҳар бўйлаб ташишда ишлаган автобуслар машина-кунларининг умумий сони 409 576 машина-кунни ташкил этади. 2021 йил учун ҳаракат таркибидан фойдаланиш коэффиценти 0,712. Техник тайёргарлик коэффиценти 0,774 ни ташкил қилган.

Ҳаракат таркибидан фойдаланиш коэффиценти таҳлили шунини кўрсатадики, 2022 йилнинг 10 ойлигида 0,632 фоизни ташкил этиб, бу коэффицент ўтган йилнинг шу даврига нисбатан -0,080 га тушган, яъни ҳаракат таркибининг ишлаши режа (0,810) га нисбатан -0,178 га камайган, натижада ушбу коэффицент ўтган йилга нисбатан 11,2% тушган. Бунган сабаб, ҳайдовчилар қўнимсизлиги ва даврий тўлиқ таркибда автобусларнинг ишламаганлигидан далолат беради.

Техник тайёргарлик коэффиценти 0,691 бўлиб, таҳлилларга кўра, 0,083 га камайган, яъни ўтган йилга нисбатан 9,7% паст. Бу эса Mercedes-Benz ва ISUZU автобусларининг ҳаракат таркиби эскирганлиги, двигателлар, электр жиҳозлари, ёқилғи тизимини капитал таъмирлашга муҳтожлиги, шунингдек, автотранспорт воситаларини таъмирлаш ва шиналарни сотиб олиш учун харажатларнинг ошиши ҳисобига тўғри келади. Автобусларнинг техник тайёргарлиги ва автобуслар паркидан фойдаланиш коэффицентлари қуйидаги жадвалда келтирилган:

“TOSHSHAHARTRANSXIZMAT” АЖнинг
2021-2022 йиллар учун ўн ойлик хизмат кўрсатиш қувватидан фойдаланиш даражаси таҳлили

Т/р	Корхоналар номи	Техник тайёргарлик коэффициенти		Ўтган йилганисбатан фарқи		Автобуслар паркидан фойдаланиш коэффициенти		Ўтган йилганисбатан фарқи	
		2021 й.	2022 й.	(+/-)	(%)	2021 й.	2022 й.	(+/-)	(%)
1	“1-автобус саройи” филиал	0,747	0,906	-0.089	88.1	0,677	0,800	-0.111	83.6
2	“2-автобус саройи” филиал	0,714	0,844	0.119	83.3	0,657	0,698	-0.092	86
3	“4-автобус саройи” филиал	0,767	0,907	-0.069	91	0,720	0,838	-0.051	92.9
4	“5-автобус саройи” филиал	0,804	0,889	-0.030	96.3	0,734	0,870	-0.055	92.5
5	“7-автобус саройи” филиал	0,764	0,915	-0.077	89.9	0,709	0,799	-0.068	90.4
6	“8-автобус саройи” филиал	0,817	0,929	-0.091	88.9	0,704	0,902	0.072	89.8
7	“12-автобус саройи” филиал	0,735	0,893	-0.025	96.6	0,723	0,738	0.047	93.5
8	“18-автобус саройи” филиал	0,822	0,897	-0.144	82.5	0,775	0,874	0.137	82.3
Жами		0,774	0,691	-0.083	89.3	0,712	0,632	-0.080	88.8

Ўтган йиллар таҳлили ва режалаштирилаётган янги автобусларнинг хариди ҳисобига 2023 йил учун ҳаракат таркибидан фойдаланиш коэффициенти 0,820 ни ташкил қилиши прогноз қилинади. Бу коэффициент кўрсаткичи автобусларни режа асосида тўлиқ жадвалига мувофиқ йўналишга чиқарилишини таъминлаш учун имкониятини яратади.

Техник тайёргарлик коэффициенти эса 0,907 га чиқиш режалаштирилган. Мутахассисларнинг прогнози ва иқтисобий самарадорлик кўрсаткичларимизнинг 2023 йил учун қўйилган мақсад ва режаларимизга таяниб шуни айтиш мумкинки, янги сотиб олинаётган 453 дона электробуслар ҳисобига ушбу кўрсаткичларга чиқишимиз тахмин қилинмоқда, бироқ давлат кафиллиги остида кредит маблағлари ҳисобига олинган хизмат муддати 10 йилдан юқори бўлган автобусларни кредит тўлаш муддати тугамасдан туриб эскириб, ҳисобдан чиқариш йўли билан ҳаракат таркиби сонидан чиқаролмаганлигимиз сабабли юқоридаги коэффициентгача техник тайёргарлик кўтариш мумкин ҳолос.

1.5. Жамият бошқарув ва ижроия органи аъзолари.

**Кадрлар сиёсати, ишчи-ҳодимлар,
тўғрисида маълумот.**

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 июндаги ПҚ-313-сон (ХДФУ) Қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги “Тошшаҳартрансхизмат” АЖнинг Ягона акциядори этиб белгиланган, бўлиб Жамият Уставига мувофиқ, Жамият Кузатув кенгашининг таркиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан 4 нафар аъзо билан тасдиқлаб берилган.

Жамиятнинг бошқарув органи аъзолар тўғрисида маълумот

Т/р	Ф.И.Ш	Ловозими (иш жойи), фаолият кўрсатиш даври	Корхонадаги улуши
I. Акциядорлар (иштирокчи, мулкдор)			
	Акциядор	Ўзбекистон Республикаси	100% (154060626 дона

	(иштирокчи, мулкдор)	Транспорт вазирлиги	акция)
II. Кузатув кенгаши аъзолари			
1.	Султонов Дилшод Шухратович	- Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари (2021 йилдан)	акцияларга эгалик қилмайди
2.	Чориев Жасурбек Эргашевич	- Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазири ўринбосари (2021 йилдан)	акцияларга эгалик қилмайди
3.	Джуманазаров Юнусбек Рахимбайевич	- Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги департамент директори (2020 йилдан)	акцияларга эгалик қилмайди
4.	Умарова Азиза Фархадовна	- “Smart Gov Consulting” МЧЖ директори (мустақил аъзо 2020 йилдан)	акцияларга эгалик қилмайди
III. Ижроия органи - Бошқарув			
1.	Джураев Анвар Заппарович	- Бошқарув раиси (2019 йилдан)	акцияларга эгалик қилмайди
2.	Шамурадов Рустам Селиханович	- Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари (2022 йилдан)	акцияларга эгалик қилмайди
3.	Азизов Абдужамил Абдугафарович	- Бошқарув раисининг ўринбосари – бош муҳандис (2019 йилдан)	акцияларга эгалик қилмайди
4.	Давлатов Нажмиддин Гиязидинович	- Бошқарув раисининг ташишни ташкил этиш бўйича ўринбосари (2019 йилдан)	акцияларга эгалик қилмайди
5.	Нажмиддинова Саида Фахриддиновна	- Бошқарув раисининг молиявий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари (2022 йилдан)	акцияларга эгалик қилмайди

Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган ташкилий бошқарув тузилмаси жами 4362 штат бирлигидан иборат бўлиб, шундан 226 нафари бошқарув ходимларидан иборатлиги тасдиқланган. Жамиятнинг Ижроия органига бошқарув ходимларининг чекланган миқдори доирасида ташкилий тузилмага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳукуқи берилган. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 июндаги ПҚ-313-сон (ХДФУ) Қарорига мувофиқ, Жамият таркибидаги “Тошйўловчитрансхизмат” УК Тошкент транспорт Бош бошқармаси таркибига ўтказилиши муносабати билан, ушбу ташкилотнинг жами 270 штат бирлиги ва шу жумладан, 34 та бошқарув ходимлари сони таркибий тузилмадан чиқарилиши кўзда тутилган. Бугунги кунда, ҳайдовчиларни қўнимсизлигига барҳам бериш ва устоз-шогирд мактабини шакллантиришни жонлантириш мақсадида, Жамият тизими филиалларининг ҳар бирида 10 бирликдан жами 80 бирлик “уста шогирди”(ученик) штати киритилди. Бунинг натижасида бугунги кунда 71 бошқарув ходими сақлаган ҳолда жами Жамият тизимида 4192 бирликдан иборат штатлар жадвали шакллантирилган. Шунингдек, Жамиятнинг Кузатув кенгаши муҳокамасига 2022 йил август ойида бошқарув сиёсати Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат қорхоналари тўғрисида”ги Низомга, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги “2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги қорхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 166-сон қарорига, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг (ИХТТ) давлат қорхоналари учун корпоратив бошқарув бўйича кўрсатмаларига асосан, шунингдек корпоратив бошқарув фаолиятини тартибга солишчи бошқа амалдаги қонун ҳужжатларига ва шу борадаги илғор хорижий тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилган. Унга асосан Бошқарув раисининг таваккалчиликларни бошқариш бўйича маслаҳатчиси лавозими штат жадвалига киритилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5843-сон Фармони ва 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сон қарорига мувофиқ ходимларни ишга қабул қилиш очик танлов асосида амалга оширилмоқда ҳамда танлов доирасида ўтказиладиган синов тадбирлари тартиби жорий этилган.

Ҳозирги кунда “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ ва унинг тизимидаги қорхоналарда 2022 йил 1 ноябрь ҳолатига 4186 иш ўрнида 3623 нафар ишчи-ходимлар фаолият юритмоқда ва жами 563 та вакант иш ўринлари мавжуд. Улардан бошқарув ходимлари 182 нафар, шундан, 15 та вакант, муҳандис-хизматчилар 243 нафар, 2 та вакант, ҳайдовчилар 1826 нафар, шундан, 334 та вакант, чиптачилар 527 нафар, шундан 76 таси вакант ва таъмирловчилар 400, шундан 25 вакант, шунингдек 448 нафар ёрдамчи ходимлар бўлиб, 45 та вакант ҳамда уста-шогирди 10 нафарни ташкил этади ва 70 таси вакант.

Жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига 730 нафар ходим ишга қабул қилиниб, улардан 412 нафари ҳайдовчилар, 81 нафари чиптачилар, 12 нафари таъмирловчилардир.

Ҳисобот даврида 1053 нафар ходим ишдан бўшатилди, улардан 535 нафари ҳайдовчилар, 171 нафари чиптачилар ва 70 нафари таъмирловчилар. 2022 йил учун **ўртача ишчи-ходимлар сони 3654 нафар** деб олинганда, қўнимсизлик коэффициенти **28,8** фоизни ташкил этади. Шу жумладан, бўшаб кетган ходимларнинг **49 фоизини ҳайдовчилар, 16 фоизини чиптачилар, 7 фоизга яқин таъмирловчи ходимлар**, бунинг асосий сабабини мазкур ишчи-ходимларнинг иш шароитлари оғир ва иш ҳақи миқдорининг камлиги ҳамда янги қабул қилинган ходимнинг адаптация жараёнлари қийин кечаётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

2022 йил 1 ноябрь ҳолатига Жамиятда йўловчи ташишда 306 ҳайдовчи етишмаётган бўлиб, “Ўқув ишлаб чиқариш маркази” МЧЖ томонидан 10 та автобус ҳайдовчиси “Д” тоифасини олиш учун ўқитиляпти.

Жамият тизимида 2022 йил 1 ноябрь ҳолатига 1123 нафар Транспорт университети талабалари амалиёт ўтадилар ҳамда Транспорт университетининг 2021-2022-ўқув йилини тамомлаган 15 нафар ва 2 нафар таҳсил олаётган талабаси ишга қабул қилинди.

Ҳозирги кунда “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ ва унинг тизимидаги корхоналарда узоқ йиллар ҳалол ва самарали меҳнат қилган ходимлардан 675 нафар меҳнат фахрийси ва 428 нафар “Тошкент шаҳар йўловчи ташиш транспорти фахрий ходими” унвонига сазовор бўлган.

Шаҳар йўловчилар транспортида малакали профессионал кадрлар етишмаслиги ўткир муаммо бўлиб қолмоқда. Ҳозирги вақтда ҳайдовчилар ойлик маошининг камлиги, оғир иш шароитлари, умумий белгиланган муддатдан олдин нафақага чиқиш, шаҳар йўловчилар транспортдан бепул фойдаланиш каби ижтимоий имтиёзларнинг йўқлиги сабабли мумкин бўлмаган юқори даражада ходимлар қўнимсизлиги мавжуд. Шу билан бирга, ҳайдовчилар ойлик маошларининг паст даражада бўлишининг асосий сабабларидан бири, бу ҳайдовчилар учун йўналишларда даромад “режаси”нинг ўрнатилганлиги ҳамда ойлик маошларининг ва рағбатлантиришларнинг мазкур кўрсаткични бажарилишига бевосита боғлиқ эканлигидир. Шаҳар йўловчилар транспорти (автобус) ҳайдовчилари фаолияти комплекс ноқулай факторларнинг таъсири билан боғлиқдир: асаб-ҳиссий таъсири, оғир меҳнат шароити, шовқин, инфратовуш, умумий ва локал вибрация, микроклимат параметрлари, зарарли ва хавфли газлар, аэрозолларнинг ҳавода мавжудлиги. Ҳайдовчи саломатлигига энг кўп салбий таъсир этадиган факторлардан бири улар меҳнат фаолиятининг аксарият қисмини ҳайдовчи ўриндиғида ўтирган ҳолда ўтказишидир.

Ҳайдовчилар фаолияти автобус саройи ҳудудидан ташқарида, яъни шаҳар кўчаларида, асаб ва ҳиссий стресс ҳолатлари, иқлим шароитлари билан боғлиқ ҳолда, йўллардаги авариявий ва унга яқин шароитларда давом этади. Мазкур ҳолатлар ва шароитлар ҳайдовчилар соғлиғига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди.

2023 йилда ҳаракат таркибини 453 дона электробуслар билан янгилаш эвазига 692 нафар ҳайдовчига янги иш ўринлари яратиш мўлжалланмоқда.

Иш ҳақи тўлаш тизими

Иш ҳақи тўловлари Жамият ходимларининг барча тоифалари учун “Тошшаҳартрансхизмат” АЖнинг ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида”ги Низомларига мувофиқ ҳисобланади ва амалга оширилади.

2021 йилда “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ корхоналари бўйича бир ходимга ўртача ойлик иш ҳақи миқдори 2,45 млн. сўмни ташкил этди. Шаҳар транспортида автобус ҳайдовчиларининг ўртача ойлик иш ҳақи 2,57 млн. сўм, чиптачиларда 1,75 млн. сўм, таъмирловчилар 2,34 млн. сўм, ёрдамчи ишчилар 1,92 млн. сўм ва маъмурий бошқарув ходимлари 4,63 млн. сўм миқдорида бўлди.

2022 йилда “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ корхоналари бўйича бир ходимга ўртача ойлик иш ҳақи миқдори 2,96 млн. сўмни ташкил этди. Шаҳар транспортида автобус ҳайдовчиларининг ўртача ойлик иш ҳақи 2,69 млн. сўм, чиптачиларда 1,85 млн. сўм, таъмирловчилар 2,61 млн. сўм, ёрдамчи ишчилар 1,97 млн. сўм ва маъмурий бошқарув ходимлари 6,09 млн. сўм миқдорида бўлди.

2023 йилда кадрлар қўнимсизлигига барҳам бериш ва янгиланган ҳаракат таркибини тегишли ҳайдовчи ва ишчи-ҳодимлар билан тўлдириш шунингдек, уларга муносиб меҳнат шароитларини яхшилаш мақсадида қуйидаги ишлар амалга оширилиши режалаштирилган. Биринчидан, бугунги кунга қадар, иктисодий имкониятларимизни пастлиги ва чекланган тариф бир неча йиллардан буён ўзгармасдан келаётганлиги сабаб, асосий энг кам меҳнатга ҳақ тўлашнинг базавий миқдори 679 330 сўмни ташкил қилган. 2023 йил 1 январдан бошлаб, чекланган тариф миқдорини 21,4 фоизга оширилиши кўзда тутилган бўлиб, йўловчи оқимини ошириш, жамоат транспорти тизимини яхшилаш юзасидан амалга оширилиши режалаштирилган тадбирлар натижасида тушумни кўпайиши ҳисобига энг кам меҳнатга ҳақ тўлашнинг базавий миқдорини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 майдаги ПФ-138-сон Фармонида асосан 920 000 сўмдан ҳисобланишига эришиш, ва 2023 йилда яна Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида мувофиқ иш ҳақи оширилиши ва қўшимча иш жойлари яратилиши ҳисобига умумий “Иш ҳақи фонди”ни ўзгартирилиши яъни оширилиши кўзда тутилади.

**"Тошшахартрансхизмат" АЖ корхоналарининг 2021-2022 йилларда ишчилар сони, иш ҳақи жамғармаси ва ўртача ойлик иш ҳақи тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

Филиаллар номи	2021 йил			2022 йил			Фарк, +/-		
	Ўртача ишчилар сони	Иш ҳақи жамғармаси (млн. сўм)	Ўртача ойлик иш ҳақи (сўм)	Ўртача ишчилар сони	Иш ҳақи жамғармаси (млн. сўм)	Ўртача ойлик иш ҳақи (сўм)	Ишчилар сони	Иш ҳақи жамғармаси (млн. сўм)	Ўртача ойлик иш ҳақи (сўм)
"1-автобус саройи"	372	10 213,98	2 288 078,85	312	11 312,40	3 021 474,36	-60	1 098,42	733 395,51
"2-автобус саройи"	544	16 654,13	2 551 183,52	448	16 373,00	3 045 572,92	-96	-281,13	494 389,40
"4-автобус саройи"	444	12 813,91	2 405 013,89	415	14 210,60	2 853 534,14	-29	1 396,69	448 520,25
"5-автобус саройи"	402	10 494,89	2 175 556,59	377	12 975,80	2 868 213,97	-25	2 480,92	692 657,38
"7-автобус саройи"	445	12 829,92	2 402 607,30	383	13 883,90	3 020 865,97	-62	1 053,98	618 258,67
"8-автобус саройи"	717	20 755,99	2 412 365,64	593	21 588,30	3 033 768,97	-124	832,31	621 403,33
"12-автобус саройи"	511	15 108,27	2 463 840,51	389	13 785,10	2 953 106,26	-122	-1 323,17	489 265,75
"18-автобус саройи"	472	16 333,84	2 883 798,55	439	15 245,20	2 893 925,59	-33	-1 088,64	10 127,04
Жами автобус саройлари бўйича	3 907	115 204,93	2 457 233,41	3 356	119 374,30	2 964 200,93	-551	4 169,37	506 967,53
"Тошавтотаъмирхизмат" УК	207	6 135,00	2 469 806,76	189	5 843,22	2 576 376,06	-18	-291,78	106 569,29
АЖ Аппарати	71	3 894,77	4 571 321,60	109	6 495,33	4 965 844,80	38	2 600,56	394 523,20
Жами хизматлар бўйича	278	10 029,77	3 006 524,58	298	12 338,55	3 450 376,37	20	2 308,78	443 851,79
Жами "Тошшахартрансхизмат" АЖ бўйича	4 185	125 235	2 493 721,57	3 654	131 713	3 003 850,71	-531	6 478,15	510 129,14

"Тошшахартрансхизмат" АЖ корхоналарининг 2022 йил кутилаётган ва 2023 йилда ишчилар сони, иш ҳақи жамғармаси ва ўртача ойлик иш ҳақи тўғрисида прогноз

Филиаллар номи	2022 йил			2023 йил			Фарк, +/-		
	Ўртача ишчилар	Иш ҳақи жамғармаси	Ўртача ойлик иш ҳақи	Ўртача ишчилар сони	Иш ҳақи жамғармаси	Ўртача ойлик иш ҳақи (сўм)	Ишчилар	Иш ҳақи жамғармаси	Ўртача ойлик иш ҳақи
"1-автобус саройи"	312	11 312,40	3 021 474,36	332	13 574,90	3 407 354,42	20	2 263	385 880
"2-автобус саройи"	448	16 373,00	3 045 572,92	472	19 647,60	3 468 855,93	24	3 275	423 283
"4-автобус саройи"	415	14 210,60	2 853 534,14	437	17 052,70	3 251 849,73	22	2 842	398 316
"5-автобус саройи"	377	12 975,80	2 868 213,97	399	15 570,90	3 252 067,67	22	2 595	383 854
"7-автобус саройи"	383	13 883,90	3 020 865,97	405	16 660,70	3 428 127,57	22	2 777	407 262
"8-автобус саройи"	593	21 588,30	3 033 768,97	619	25 906,00	3 487 614,43	26	4 318	453 845
"12-автобус саройи"	389	13 785,10	2 953 106,26	409	16 542,10	3 370 436,02	20	2 757	417 330
"18-автобус саройи"	439	15 245,20	2 893 925,59	463	18 294,20	3 292 692,58	24	3 049	398 767

Жами автобус саройлари бўйича	3 356	119 374,30	2 964 200,93	3 536	143 249,20	3 375 970,97	180	23 875	411 770
"Тошавтотамирхизмат" УК	189	5 843,20	2 576 366,84	189	6 427,52	2 834 003,53	0	584	257 637
АЖ Аппарати	109	6 495,30	4 965 825,69	109	7 144,83	5 462 408,26	0	650	496 583
Жами хизматлар бўйича	298	12 339	3 450 363,53	298	13 572,35	3 795 399,89	0	1 234	345 036
Жами "Тошшаҳартрансхизмат" АЖ бўйича	3 654	131 712,8	3 003 849,66	3 834	156 821,6	3 408 571,34	180	25 109	404 722

II. Жамиятни ислоҳ қилиш

2.1. Истикболли ривожланиш стратегияси

2022 йилда "Тошшаҳартрансхизмат" акциядорлик жамиятининг истикболли ривожланиш стратегияси асосий моҳияти Тошкент шаҳрида қулай, жозибадор бўлган шаҳар жамоат транспорти тизимини яратиш концепциясини ишлаб чиқиш ва унинг қонуний асосини яратилишига эришган ҳолда, белгиланган вазифаларни босқичма-босқич амалга оширилишини тизимли равишда олиб боришдан иборат эди. 2022 йилнинг 1 ноябрь ҳолатига ўтган даврда амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинса, истикболли мақсадларимиз сари бошланғич тамал тоши қўйилган, аниқ мақсад ва вазифаларимиз белгиланган ва бу борада қисман эришилган натижаларимизни кўриш мумкин. Бу мақсадни амалга ошириш юзасидан 2022 йилнинг 2 февралида ва 8 июлларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-111-сонли ҳамда ПҚ-313-сонли Тошкент шаҳар транспорт тизимини ривожлантиришга доир қарорлари қабул қилинишига эришилди. Тошкент шаҳар жамоат транспорти тизимини 2025 йилгача ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари (индикаторлари) белгилаб олинди.

2.2. Ислоҳ қилиш мақсади ва босқичлари

Қуйидагилар "Тошшаҳартрансхизмат" Акциядорлик жамиятининг истикболли ривожланиш стратегиясининг асосий мақсадлари ҳисобланади:

- жамоат транспорти устуворлиги таъминланган ҳолда транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва аҳолининг жамоат транспортидан фойдаланиш даражасини ошириш;
- транспорт тизимини бошқаришни рақамлаштириш бўйича илғор технологияларини жорий этиш;
- транспорт тизимини истикболли ривожлантириб боришни режалаштириш механизминини жорий этиш;
- ер усти жамоат транспортини тубдан янги йўналишлар тармоғини жорий этиш;
- жамоат транспорти ҳаракат таркибини тизимли равишда экологик тоза ва самарадор транспорт турлари билан янгилаш орқали транспорт тизимини атроф муҳитга салбий таъсирини камайтириш ва шаҳарда экологик ҳолатни яхшилаш;
- жамоат транспортда аҳоли учун қулай тариф сиёсатини жорий этиш.

"Тошшаҳартрансхизмат" акциядорлик жамиятининг истикболли ривожланиш стратегиясини 5 йил давомида босқичма-босқич амалга ошириш режалаштирилган.

Эндиги 2023 йилдаги истикболли мақсадларимиз қуйидаги 5 та кўрсаткични яхшилашдан иборат.

Биринчидан, йўловчи ташишлар умумий ҳажмида жамоат транспортининг улуши 2022 йилда 26 фоизга оширилиши белгиланган бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткични **30 фоизга етказиш**;

Иккинчидан, бугунги кунлик йўловчи ташиш ҳажмини 40 фоизи “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ ҳисобига тўғри келади, шундан 2022 йилда 600 минг автобус йўловчига оширилиши белгиланган бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткични 720 минг йўловчига етказиш;

Учинчидан, жамоат транспортининг ҳаракатланиш ўртача оралиқ интервалини 2022 йилда 23 дақиқа белгиланган бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткични 20 дақиқага етказиш;

Тўртинчидан, ер усти жамоат транспортининг янги йўналишларини жорий этишда 2022 йилда 1 та магистрал, 3 та ҳалқа, 18 та боғловчи, 4 та етказиб берувчи–жами 26 та йўналиш режалаштирилган бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткични яна 52 та (4 та магистрал, 5 та ҳалқа, 30 та боғловчи, 13 та етказиб берувчи) га ошириш ва 2023 якунида 78 тага эришиш;

Бешинчидан, жамоат транспорти ҳаракат таркибини янгилаш (харид қилиш)-бу борада 2022 йилда 410 та (20 та “YUTONG” русумли электробус, 190 та “MAN A22 CNG” русумли, 200 таси “SAZ LE60”) ҳаракат таркиби харид қилиш режалаштирилган бўлса, 2023 йилда давлат кафолати остида 453 та (ПҚ-111 бўйича 253 та ва ПҚ-313 асосида 200 та) электробусларни хорижий молия институтлар маблағларини жалб қилган ҳолда очик тендер асосида харид қилиш кўзда тутилган;

Автоматлаштирилган тўлов тизими имкониятини кенгайтириш ҳамда такомиллаштириш соҳасида «АТТО» МЧЖ маблағлари ҳисобига:

Тўлов тизимлари, электрон ҳамёнлар, виртуал карталар ҳамда мобил операторларнинг тизимлари орқали тўловларни амалга ошириш механизмини ишлаб чиқиш;

Транспорт карталаридан фойдаланиш даражасини 55 фоиздан 80 фоизгача ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Электрон тўловларнинг муқобил турлари, жумладан, «Face pay» тизимларини жорий этиш кўзда тутилган.

Шунингдек, *жамоат транспорти инфратузилмасини ривожлантириш* соҳасида:

- 2022 йилда 10 та транспорт-ўтиш боғламаларини қуриш режалаштирилган бўлса, 2023 йилда 2 та транспорт-ўтиш боғламаларини қуриш ва уларнинг сонини 2025 йилгача жами 16 тага етказиш;
- намунавий лойиҳа асосида 280 та автобус оралиқ бекатларини реконструкция қилиш режалаштирилган бўлса, 2023 йилда яна 260 та худди шунда бекатларни реконструкция қилиш кўзда тутилган;
- 2022 йилда автобуслар учун 1 дона алоҳида йўлакни ташкил этиш режаси амалга оширилган бўлса, 2023 йилда яна худди шундай 4 дона алоҳида йўлакларни ташкил этиш режалаштирилган.

Бугунги кунда *экологик муаммоларни келтириб чиқаришни камайтириш* ва Тошкент шаҳрида *соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш* мақсадида тегишли мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

- ✓ Велосипедлар учун зарур инфратузилмани яратиш, жумладан, 2022 йилда 60 км масофага велосипед йўлакларини қуриш амалга оширилган бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткични яна 60 кмга узайтириш;

- ✓ корхона, ташкилот ва идоралар олдида 2022 йилда 120 дона велосипедлар учун тураргоҳларни барпо этиш режаси амалга оширилган бўлса, 2023 йилда ҳам бу кўрсаткични яна 120 донга кўпайтириш;
- ✓ Жамоат транспортининг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтиришда асосан ҳаракат таркибини янгилаш ҳисобига транспортдан чиқадиган зарарли моддалар ҳажми 2023 йилга 5,1 минг тоннадан 4,8 минг тоннага тушуришга эришиш;
- ✓ электробусларнинг жамоат транспорти ҳаракат таркибидаги улуши 2023 йилда 453 та электробус харид қилинса, 36 фоизга эришишдан иборат.

2.3. Ислоҳ қилишнинг 2023 йил учун режаси

Тошкент шаҳар жамоат транспорт тизимидаги муаммолар


Юқоридаги истикболли режаларни тизимли ташкил этилишини сабаб бўлган ва мутахассислар томонидан ўрганиш натижасида бир нечта муаммолар аниқланган. Қуйида уларнинг ўзи ва ечимига оид маълумотлар келтирилади. Тошкент шаҳар жамоат транспорт тизимидаги муаммолар:

- мавжуд ер усти жамоат транспорти ҳаракат таркибининг 30 фоизи ёки 350 таси эскирганлиги йўловчи ташиш хизматларига бўлган талабнинг тўлиқ қондирилишига салбий таъсир кўрсатмоқда;
- кўча ва чорраҳаларда жамоат транспорти ҳаракатига устуворлик берилмаганлиги, ҳаракат таркибининг етишмовчилиги ва унинг техник носозликлар сабаб туриб қолиши натижасида йўловчиларнинг автобусларни кутиб туриш вақти 25 — 30 дақиқани ташкил этмоқда;
- жамоат транспорти турлари ва йўналишларини боғловчи транспорт-ўтиш боғламалари етарли даражада ривожланмаган;
- автомобиль йўл бўйи тўхташ жойларининг ҳозирги кундаги бетартиб ҳолати тирбандликларни юзага келтириб, жамоат транспортининг ўртача ҳаракатланиш тезлигининг пасайишига олиб келмоқда;
- йўналишсиз такси фаолияти қонунчилик билан етарли даражада тартибга солинмаган;
- Тошкент метрополитени ҳаракат таркибининг эскирганлиги натижасида турли хил технологик ҳолатлар содир бўлишига олиб келмоқда;
- жамоат транспортда йўлқира ҳақини белгилаш бўйича тариф сиёсати такомиллаштирилмаган ва эгилувчан тарифлар жорий этилмаган;
- жамоат транспорти корхоналари фаолиятини молиялаштириш ишлари бугунги кун талабларига жавоб бермайди;
- йўл ҳаракатини ташкил этиш тизимининг мукамал эмаслиги сабабли йўллар ва чорраҳаларда транспорт оқими тўғри тақсимланмаган ҳамда тирбандликлар даражаси юқори, йўл-транспорт ҳодисалари сони ортиб бормоқда.

Янги автобусларни харид қилиш орқали ҳаракат таркибини янгилаш.

“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ ҳаракат таркибини янгилаш мақсадида, 2021 йилда 21 дона ўрта сифимли автобуслар, 2022 йилда 200 дона ўрта сифимли ва 190 дона катта сифимли автобуслар хариди амалга оширилиши кутилмоқда.

Тошкент шаҳридаги йўловчиларни ташишда йўловчи ва багажларни хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг қулай ҳолда ўз манзилларига етиб боришларини таъминлаш, пойтахтимиз экологик муҳитини яхшилаш мақсадида, 2023 йилда замонавий 400 дона катта сифимли ҳамда 53 дона ўта катта сифимли электробусларни харид қилиш режалаштирилган.



Автобус саройлари ҳаракат таркибининг эскирганлиги сабабли техник носозликлар билан йўналишдан автосаройларга таъмирлаш учун кириш ҳолатлари кўпайиб бормокда. 240 донa автобуслар эса узоқ муддатдан бери (100 кундан ортиқ) техник носозлик сабабли туриб қолган бўлиб уларда таъмирлаш ишларини олиб бориш молиявий жиҳатдан самарасиз, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра ҳар бир автобус учун 70,0 млн.сўмдан 120,0 млн.сўмгача пул маблағлари талаб этилади.

2023 йилда жисмонан эскирган, йўловчи ва багажларни ташишда хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган ҳамда тез-тез таъмирталаб бўлган **238 донa** автобуслар ҳисобдан чиқарилиши режалаштирилган. Жумладан, **109 донa** “Mercedes-Benz Conecto low Floor” русумли, **1 донa** “MAN A22 CNG”, **1 донa** “SAZ LE60” ва **127 донa** “Isuzu SAZ NP37” русумли автобуслар.

Йўловчи ҳаракат таркиби янгиланиши ҳисобига унинг ўртача тасарруф этиш ёши 5,4 дан 4,1 гача камайиши кутилмоқда.

Ҳаракат таркиби янгиланишини инобатга олган ҳолда, 2024 йил 1 январь ҳолатига



“Тошшаҳартрансхизмат” АЖнинг ҳаракат таркиби **1 605 донa**ни ташкил этиши кутилмоқда.

Янги автобус йўналишларини ташкил этиш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 февралдаги “Тошкент шаҳар жамоат транспорти тизимини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-111-сонли қарорининг 3-илоvasида келтирилган 2022-2025 йилларда Тошкент шаҳри жамоат транспортини ривожлантириш кўрсаткичларида режалаштирилган янги йўл усти йўналишлари

2022 йилда жами 26 та (шундан 1 та магистрал, 3 та халқа, 18 та боғловчи ва 4 та етказиб берувчи) ва келгуси 2023 йилда 52 та (4 та магистрал, 5 та халқа, 30 та боғловчи ва 13 та етказиб берувчи) йўналишлар очилиши режалаштирилган.

Ушбу тўрт турдаги янги йўналишлар (магистрал, халқа, боғловчи ва етказиб берувчи) тармоғи боскичма-боскич жорий этилишидан мақсад - жамоат транспорти турларини ўзаро боғлаш орқали ташувлар самарадорлигини ошириш, йўловчиларнинг манзилларига қулай ва тез етиб бориши натижасида шахсий транспорт воситасига нисбатан жамоат транспортдан фойдаланиш даражаси оширилиши кўзда тутилган.

Ҳозирги кунда яъни 2022 йил 1 ноябрь ҳолатига жами 17 та (1 магистрал, 3 халқа, 4 та етказиб берувчи ва 9 та боғловчи) йўналишлар очилган бўлиб, йил якунига қадар яна 9 та йўналиш очилиши режага киритилган.

Янги транспорт ўтиш боғламаларини манзиллари, йўналишлари ва йўловчи оқими.

Транспорт-ўтиш боғламалари (кейинги ўринларда -ТЎБ) қуйидаги асосий талабларга мувофиқ ташкил этилади. Йўловчилар ўртача 10 дақиқа ичида бир транспорт туридан иккинчи транспорт тури ёки бошқа транспорт йўналишига қулай ўтиш имконияти яратиш; шаҳарнинг исталган ҳудудига янги автобус йўналишлари тармоғи жорий этилиши ҳисобига қафолатланган вақт ораллиғида етиб олиш; транспорт-ўтиш боғламаларида автотураргоҳларни яратиш.

Бугунги кунда, 2022 йил 1 ноябрь ҳолатига 4 та 1. FOOD CITY савдо мажмуаси; Тошкент аэропорти маҳаллий терминали; Шимолий вокзал; Роҳат – 5-метро бекати манзилларида ТЎБлар фойдаланишга топширилди. Мазкур ТЎБлар орқали кунига 25 та йўналишлар, 79 минг нафар йўловчиларга хизмат кўрсатади.

Кейинги ўринларда Олмазор, Пахтокор, Чилонзор буюм бозори, Туркистон, Ибн Сино ва Чорсу манзилларида ТЎБлар ташкил этилади. Ушбу ТЎБлар орқали 57 та йўналишлар кунига 109,8 минг нафар йўловчиларга хизмат кўрсатиши режалаштирилган.

10 та транспорт ўтиш боғламаси 4 та метрополитен йўналишларини қамраб олиб, 82 та автобус йўналишлари билан кунлик 189,5 минг нафар йўловчиларга хизмат кўрсатади.

Тошкент шаҳрида ер усти жамоат транспорти ва метрополитен йўналишлари кесишувчи, шаҳар маркази билан боғловчи ҳамда аҳоли зич жойлашган нуқталарида 6 та транспорт-ўтиш боғламалари 2023 йил мобайнида қуриш бўйича график ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ҳамда мазкур график асосида ишлар ташкил этилади.

III. Бозор таҳлили ва маркетинг режаси

3.1. Маркетинг режа

Тошкент шаҳар жамоат транспорти тизимини комплекс ривожлантириш, йўловчиларга сифатли ва хавфсиз транспорт хизматларини кўрсатиш, транспорт инфратузилмасини яхшилаш, ҳаракат таркибини барча қулайликларга эга бўлган замонавий автобуслар билан янгилаш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ҳамда пиёдаларга қулай ҳаракатланиш муҳитини яратиш мақсади белгиланган. 2022-2025 йиллар давомида:

- Тошкент шаҳар ер усти жамоат транспорти тизимини ривожлантириш натижасида - йўловчи ташишлар умумий ҳажмида жамоат транспортининг улушини ҳозирги 21 фоиздан 43 фоизга оширилишига;

- жамоат транспортида кунлик йўловчи ташиш ҳажмини камида икки баробарга ошириб, кунига 2,7 миллион йўловчига етказилишига;

- жамоат транспортининг ҳаракатланиш ўртача оралик интервалини 2 баробарга камайтирилишига;

- жамоат транспортининг янги тармоғи асосида 159 та автобус йўналишларини, жумладан 11 та магистрал, 14 та халқа, 92 та боғловчи ва 42 та етказиб берувчи йўналишларни боскичма-боскич жорий этилишига;

- 1 063 та автобус, жумладан 673 та электробус харид килиш йўли билан жамоат транспорти ҳаракат таркибини янгиланишига;
- бир транспорт туридан бошқа транспорт турига қулай ва тезкор ўтиш учун 16 та замонавий транспорт-ўтиш боғламаларини ташкил этилишига;
- намунавий лойиҳа асосида 1160 та автобус бекатларини реконструкция қилинишига;
- йўловчиларни маънавий-руҳий қайфиятини оширилишига эришилади.

3.1.1. Йўловчи ташиш хизматининг асосий истеъмолчилари таркиби

Автобус ва микроавтобус транспорти бугунги кунда Тошкент шаҳри аҳолисининг ҳаракатланиши учун асосий жамоат транспорт тури бўлиб, саноат корхоналарининг фаолияти, ижтимоий хизматлар кўрсатиш, дам олиш ва кўнгилочар тадбирларни ташкил этиш ва шу каби турли фаолиятларни амалга ошириб, ягона шаҳар муҳитини яратиш имконини беради.

Сўнгги йилларда Тошкент шаҳрида кўп қаватли уй-жойлар, мактаблар, болалар боғчалари, шифохоналар, спорт ва аҳоли дам олиш марказлари ва бошқа ижтимоий инфратузилма объектлари, минглаб иш ўринга мўлжалланган янги ишлаб чиқариш корхоналари барпо этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, уй-жой қурилиши, автотранспорт воситалари сонининг тез суръатлар билан ўсиши, самарасиз ва ортиқча автобус йўналишларининг мавжудлиги туфайли шаҳар транспортда номутаносибликлар турли тирбандликларни юзага келтириб, аҳоли учун ноқулайлик туғдирмоқда.

Бинобарин, катта ва ўрта сифимли автобуслар, шунингдек, микроавтобуслар катновини ритмик ва сифатли амалга оширилиши аҳолининг эркин ҳаракатланиши ва жамоат транспортдан фойдаланишда ўз олдига қўйган мақсадларига эришишни таъминлайди. Шу муносабат билан, транспорт хизмати фаолияти режалари аҳоли манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган бўлиши керак.

Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспорти фаолияти Ўзбекистон Республикасининг конун ҳужжатлари ва ҳукумат қарорлари билан тартибга солинади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 февралдаги “Тошкент шаҳар жамоат транспорти тизимини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-111-сонли ва 2022 йил 8 июлдаги “Тошкент шаҳар жамоат транспорти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-313-сонли қарорида шаҳар йўловчи транспорти фаолиятининг асосини ташкил этувчи йўловчи ташишни ташкил этиш тизимини янада такомиллаштиришнинг энг муҳим вазифалари ва йўналишлари белгилаб берилган.

Жумладан, ер усти жамоат транспортининг 52 та янги йўналишларини жорий этиш, 453 донга жамоат транспорти ҳаракат таркибини янгилаш (харид килиш), 4 та автобуслар учун алоҳида йўлакларни ташкил этиш ва электробусларнинг жамоат транспорти ҳаракат таркибидаги улуши 21 фоизга ошириш орқали йўловчи ташишлар умумий ҳажмида жамоат транспортининг улушини 30 фоизга, кунлик йўловчи ташиш ҳажмини 1,5 млн.га ва Жамоат транспортининг ҳаракатланиш ўртача оралиқ интервалини 23 дақиқага тушириш эришилади.

2023 йилда, метрополитенда катнов масофаси ва транспорт турига қараб янги табақалаштирилган ва мослашувчан тариф турларини (асосий ва ҳалқа йўналишлари бўйича тарифлар, улаш йўналишлари бўйича тарифлар, етказиб бериш йўналишлари тарифлари, метрополитенда тарифлар) жорий этилиши режалаштирилган бўлиб, мазкур тизимда масофага боғлиқ тарифлар, бир транспортдан бошқасига ўтишда тарифлар). Мазкур тадбир йўловчиларга бир транспортдан иккинчисига ўтишда қўшимча қулайликлар яратади ҳамда даромадни 7 фоизгача ошириш эришилади.

Шунингдек, 2023 йилда шаҳар атрофи электр поездларини АТТО тизимига интеграциялаш режалаштирилган бўлиб, бу йўловчилар учун қулайлик яратади ва қўшимча равишда 4 минг нафаргача йўловчини жалб этиш имкониятини яратади.

II босқич. Қўйлиқ-Қипчоқ-Янги ҳаёт йўналиши. Ер усти халқ метро йўналишининг 7-сонли бекатидан метро қурилишининг иккинчи босқичида (“Қўйлиқ деҳкон бозори 14-сонли («Қипчоқ») бекати билан боғланади ва 15 ва 16-бекатлар Сергели ва Сергели шоҳ кўчалари чорраҳасида жойлашган. Toshkent шаҳри ва Тошкент вилоятининг Зангиота тумани Ерости метрополитенининг иккинчи босқичи қурилиши 2023 йил март ойида якунланади.

“Тошшаҳартрансхизмат” акциядорлик жамиятида фуқароларнинг йўналишларидаги ўзгаришлар билан боғлиқ муурожаатларига тезкорлик билан жавоб бериш учун ягона “Call-centre” ташкил этилади.

Аҳолига шаҳар йўловчи транспортда саёхатларни режалаштириш ва унинг фаолияти тўғрисида бошқа фойдали маълумотларни олиш имконини берувчи «QR-BUS» электрон тизими жорий этилади;

Шаҳар автобуслари салонларида тўхташ бекатлари тўғрисида овозли маълумотларнинг автоматлаштирилган тизими жорий этилади;

Шоҳ бекатлар автобусларнинг жадвали ва келиш вақтини кўрсатиб турувчи электрон табло билан жиҳозланади.

3.1.2. Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш бозори

Тошкент шаҳрида йўловчиларни ташиш Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланган чекланган тарифлар бўйича Жамият таркибига кирувчи корхоналар томонидан амалга оширилади. Жамоат транспортда аҳолининг кам таъминланган катламларини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида имтиёзли транспорт карталари бўйича нафақахўрлар, талабалар ва ўқувчилар учун, шунингдек “Шаҳар йўловчи транспортдан текин фойдаланишни тартибга солиш тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар учун имтиёзлар жорий этилган.

3.1.3. Транспорт хизматлари бозоридаги рақобат

Тошкент шаҳрида жамоат транспорти - метрополитен, автобус, йўналишли микроавтобус ва йўналишсиз енгил турдаги таксиларда йўловчиларни ташиш амалга оширилади.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрида барча мулкчилик шаклидаги ташувчилар ўртасида очик рақобатни йўлга қўйиш, рақобат муҳитини шакллантириш, йўловчи ташиш бўйича кўрсатилаётган хизматлар сифат стандартларини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратилган.

Тошкент шаҳрида мулкчиликнинг турли шаклларидаги 353 та ташувчилар томонидан йўловчилар ташиш хизматлари кўрсатилади, шундан:

➤ Автобус йўналишларида 12 та корхона хизмат кўрсатади, шундан 8 таси “Тошшаҳартрансхизмат” акциядорлик жамияти тизимидаги автобус саройлари, 4 таси Жамият билан шартнома асосидаги хусусий мулкчилик шаклидаги корхоналар;

➤ йўналишли такси йўналишларида 46 та хусусий мулкчилик шаклидаги корхоналар томонидан хизмат кўрсатилади;

➤ йўналишсиз таксиларда 295 та хусусий мулкчилик шаклидаги корхона ҳамда 2211 та жисмоний шахслар (ўзини ўзи банд қилганлар) томонидан;

➤ “Тошкент метрополитени” ДУК (метрополитеннинг 4 та йўналиши – “Чилонзор”, “Ўзбекистон”, “Юнусобод” ва ер усти халқа йўналишларнинг 43-та бекатлари бўйича йўловчи ташувчи) шаҳар йўловчи ташиш тизимида йўловчи ташиш бўйича ўз фаолиятини амалга ошириб келмоқда.

Ҳозирда Тошкент шаҳрида жамоат транспортда кунлик ўртача 1100-1150 минг йўловчи ташилмоқда, шундан:

145 та автобус йўналишларида 1 018 та жадвал асосида 510 минг йўловчи ҳар куни “Тошшаҳартрансхизмат” акциядорлик жамияти тизимидаги корхоналар тасарруфидаги 2022 йил 1 ноябрь ҳолатига жами 1 277 та шаҳар йўловчи автобуслари, улардан 550 таси ёки

43 фоизи катта сигимли ҳамда 727 таси ёки 57 фоизи ўрта ва кичик сигимли автобуслар билан жамоат транспорти хизмати кўрсатилади.

Шунингдек, Тошкент шаҳрида 65 та йўналишли такси йўналишларида 578 та жадвал асосида 121 минг йўловчига;

метрополитенинг 4 та Чилонзор, Ўзбекистон, Юнусобод ва Ер усти халқа йўналишларида 520 минг йўловчига ўз манзилларига етиб боришда хизмат қилиб келмоқда.

Жамиятнинг йўловчи ташиш фаолиятини олиб боришда тизим ёрдамчи корхоналарнинг ҳам ҳиссаси катта, жумладан:

- “Тошйўловчитрансхизмат” УК мулкчилик шаклидан қатъий назар барча корхоналарга ташув жараёнини автоматлаштирилган ва нозимлик назоратини амалга оширади;

- “Тошавтотаъмирхизмат” УК автобусларга сервис ва жорий таъмирлаш хизматларини кўрсатади;

- “Ўқув ишлаб чиқариш маркази” МЧЖ “Д” тоифали автобус ҳайдовчиларини тайёрлаш вазифасини бажаради.

3.1.4. Йўловчи ташиш бозорининг тузилиши ва хусусиятлари. Рақобатчилар таҳлили.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрида рақобат муҳитини яратиш, йўловчи ташиш бўйича кўрсатилаётган хизматлар сифат стандартларини ошириш учун қулай шароитлар яратилган. Бунга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 9 октябрдаги ПҚ-2048-сон “Тошкент шаҳрида йўловчи ташишни ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ тартибга солинаётган барча мулкчилик шаклидаги автомобиль транспорти корхоналари учун шарт-шароитлар яратилгани кўп жиҳатдан ёрдам берди.

Тошкент шаҳридаги жамоат транспорти метро, автобус ва микроавтобус (йўналишли такси) каби турлари билан ифодаланади. Автобус ва йўналишли такси хизматлари Жамият корхоналари ҳамда хусусий ташувчилар томонидан амалга оширилади. Шундай қилиб, йўловчи ташувчиларнинг асосий иштирокчилари аниқланди, улар ўртасида тенг рақобат ривожланмоқда.

Шунга асосланиб, ер усти транспорти бозори рақобатчиларини 2 гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Тўғридан-тўғри рақобатчилар - хусусий ташувчилар томонидан ташкил этилган автобус йўналишлари

2. Билвосита рақобатчилар - автобус ташишни билвосита ўрнини босадиган бошқа транспорт турлари.

Жамият корхоналарининг бошқа ташувчиларга нисбатан афзалликлари қуйидагилардан иборат:

- Ойлик йўл чипталари, шу жумладан имтиёзли карталар билан саёҳат қилиш имконияти. Йўналишли такси микроавтобусларида саёҳат учун тўловнинг бундай шарти мавжуд эмас. Шу боис йўловчилар кўпинча Жамият тизимидаги корхоналарнинг катта сигимли ҳамда бошқа хусусий ташувчиларнинг ўрта сигимли автобусларини афзал кўради;

- Жамиятнинг тизим корхоналарида турли сигимли автобусларнинг, жумладан катта сигимли автобусларнинг мавжудлиги, хусусий ташувчиларнинг деярли барча ҳаракат таркиби ўрта ва кичик сигимли автобуслардан иборат. Бу эса, айниқса, тигиз соатларда йўловчилар учун муайян ноқулайликлар туғдиради;

- Жамият корхоналарининг афзаллиги ҳафтанинг куни ва кун вақтига қараб турли сигимдаги автобуслардан фойдаланиш имкониятидир, бу эса энг юқори кунлар ва соатларда катта сигимли автобуслардан фойдаланишни таъминлайди;

- Йўналишлар бўйлаб ҳаракатни GPS орқали кузатиш ва “My Bus” мобил иловасининг мавжудлиги йўловчиларга автобуслар ҳаракат жадвалини билиш ва уларни кутиш вақтини тежаш имконини беради;

- «MAN», «Mercedes-Benz» ва «Isuzu» русумли автобусларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича ихтисослаштирилган сервис марказининг мавжудлиги.

Бошқа параметрлар бўйича - ҳаракатланиш жадвали, хизматлар сифати ва бошқалар - Жамият корхоналари ва хусусий ташувчилар хизматлари деярли фарқ қилмайди.

Шу боис, йўловчиларни жалб қилишда янада юқори натижаларга эришиш мақсадида, йўловчиларни хусусий ташувчилар хизматларидан чалғитиш учун Жамият корхоналари хизмат кўрсатиш сифатини оширишлари керак, хусусан автобуслар ҳаракатининг зарур мунтазамлигини таъминлаш, ҳайдовчилар ва чиптачилар томонидан йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, шу жумладан тўхташ жойини эълон қилиш, автомобилни эҳтиёткорона бошқариш, салонни тозалаб ювиш, дезинфекциялаш, кондиционерлардан фойдаланиш ва бошқалар.

3.1.5. Шаҳар жамоат транспортининг қиёсий таҳлили

Автобус - Афзалликлари: Мосланувчи йўналишни режалаштириш имконияти; Минимал капитал сарфлаш; Қисқа муддатда ишга тушириш; Ер участкаларидан унумли фойдаланиш; Қариялар ва имконияти чекланган йўловчиларга яратилган қулайликлар, табақалаштирилган тариф.

Камчиликлари: Йўл ўтказувчанлигини пасайиши; Об-ҳаво шароити, йўл-транспорт ҳодисалари, светофорларнинг нотўғри ишлаши ёки ишламай қолиши ва кўчаларнинг ёпилиши туфайли ҳаракатланиш оралиғини бузилиши; Тасарруф тезлигининг трамвай ва метрополитенга нисбатан пастлиги.

Метро - Афзалликлари: Автобусларга нисбатан юқори ташиш қобилияти (бир неча вагонларни бирлаштириб фойдаланиш имконияти); **Йўловчи ташиш хавфсизлиги** юқорилилиги; Юқори тасарруф тезлик; Йўл ҳаракати иштирокчиларига таъсир этмаган ҳолда ҳаракатланиш, салбий об-ҳаво шароитида тўскинларсиз ҳаракатланиши.

Камчиликлари: Қурилиш ишларининг узоқ муддатлилиги; Катта капитал сармоялар; Ҳаракат йўналишини ўзгартириш имконияти йўқлиги, имконияти чекланган йўловчиларга ноқулайлиги.

Йўналишли такси - Афзалликлари: Мосланувчи йўналишни режалаштириш имконияти; Минимал капитал сарфлаш; Қисқа муддатда ишга тушириш; Ер участкаларидан унумли фойдаланиш.


Камчиликлари: Йўл ўтказувчанлигини пасайиши; Об-ҳаво шароити, йўл-транспорт ҳодисалари, светофорларнинг нотўғри ишлаши ёки ишламай қолиши ва кўчаларнинг ёпилиши туфайли ҳаракатланиш оралиғини бузилиши; Йўловчи ташиш қобилиятининг қолган транспорт турларига нисбатан пастлиги, ногиронлиги бор йўловчиларнинг ҳаракатланиши чекланган (ногиронлик аравачаси).

3.1.6. Билвосита рақобатчилар

Билвосита рақобатчилар ҳам бозорнинг муҳим қисмини эгаллайди. Тошкент шаҳрида йўловчи транспорти томонидан ташилган йўловчилар сони қуйидаги жадвалда келтирилган «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик жамияти ва хусусий ташувчилар томонидан 2022 йилда (кутилаётган) ташилган йўловчи ташиш сони:

Йўловчи транспорт тури	Йўловчи оқими (млн.йўловчи.)	Бозордаги улуши
"Тошшаҳартрансхизмат" АЖ Автобус саройлари	146,5	42,5
Автобусларда хусусий ташувчилар	4,0	1,2
Метрополитен	139,2	40,4
Йўналишли такси	54,7	15,9

Қуйидаги диаграммада жамиятнинг тўғридан-тўғри ва билвосита рақобатчиларининг ҳар бирининг бозор улуши кўрсатилган:



Диаграммадан кўриниб турибдики, Жамият корхоналари томонидан йўловчиларни ташиш бозорнинг 42,5 фоизини эгаллаган.

Ўз навбатида, метро автобуслар ташиш учун йўловчиларни «таъминловчи»лардан бири ҳисобланади. Бунинг сабаби, аҳолининг муҳим қисмига турли йўналишлардан фойдаланган ҳолда қулай фойдаланиш имконияти мавжуд: яъни. керакли метро бекатига автобус ёки микроавтобусда, кейин эса метрода ёки аксинча.

Автобус транспорти ташувчиларнинг билвосита рақобатчиларга нисбатан афзалликлари ва камчиликлари:

Метро олдида

Афзалликлар: Автобус транспорти кенгроқ йўналишлар тармоғига эга.

Камчиликлар: Камроқ қулайликлар, йўловчилар йўлда кўпроқ вақт сарфлайдилар, транспортнинг катнов вақти камроқлиги (автобуснинг охириги йўналиши 23.30 да, метро эса 00.00 гача ишлайди)

Йўналишли такси олдида:

Афзалликлари: Жамият корхоналарининг автобус йўналишларида ойлик йўл чипталаридан фойдаланиш имконияти мавжуд, салон бўйлаб қулайроқ ҳаракатланиш таъминланади, катта сифимга эга, бу эса автобусга чиқишнинг кафолатланган имкониятини беради.

Камчиликлар: Автобус транспорти кўпроқ тўхташларни таъминлайди ва шунга мос равишда йўналишга кўпроқ вақт сарфланади.

Такси ва шахсий автомобиллар олдида

Афзалликлар: Автобус хизматлари таксига нисбатан арзонроқ.

Камчиликлари: Йўналишда кўпроқ вақти сарфланади. Бундан ташқари, таксилар кечаю кундуз ишлайди.

Тўғридан-тўғри ва билвосита рақобатчилар олдида аниқланган кучли ва заиф томонларини ҳисобга олган ҳолда, 2023 йилда Жамият корхоналарида йўловчи ташиш ҳажмини оширишни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қуйдагича:

- йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш;
- ҳаракатланувчи таркибни янгилаш;
- йўналишлар тармоғини макбуллаштириш;
- ҳаракатланувчи таркибга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш сифатини ошириш, техник сабабларга кўра линиядан чиқишлар сонини камайтириш;
- ҳайдовчиларнинг йўналишда ишлаши устидан назоратни кучайтириш (тасарруф бўлимининг автобуслар ҳаракатланиш оралиқларини текшириш учун йўналишга чиқиши, ҳайдовчиларнинг йўналишга чиқиши билан боғлиқ кечикишларга йўл қўймаслик, йўловчиларнинг чипта олганликларини текшириш).

- Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспортида йўл хакини йиғишнинг автоматлаштирилган тизимини (АТТО) кенгрок жорий этиш.

Ушбу соҳаларни бир марталик тадбирлар билан амалга ошириш мумкин эмас, шу боис доимий равишда такомиллаштириб борилади.

3.2. Автобусларни таъмирлаш хизматлари

Давлат иштирокидаги корхоналарини ислох қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ томонидан автобусларни таъмирлаш ва уларга сервис хизматларини кўрсатиш бўйича техник шартлар ишлаб чиқилган, ўрнатилган тартибда тендер танловлари орқали тегишли шартномалар расмийлаштирилган.

Жумладан, 2022 йил 23 май санасида “TRUCK AND BUS ELECTRONICS” МЧЖ билан “ISUZU” русумли автобусларни таъмирлаш хизматини кўрсатиш бўйича 298-сон шартномага мувофиқ 20 дона таъмирлаш ишлари жами - 456,3 млн.сўмни ташкил этмоқда.

2022 йил 23 май санасида “DT MAXX MOTORS” МЧЖ билан “Mercedes Benz Low Floor” русумли автобусларни таъмирлаш хизматини кўрсатиш бўйича 297-сон шартномага мувофиқ 12 дона таъмирлаш ишлари жами – 226,9 млн.сўмни ташкил этмоқда.

2022 йил 21 апрель санасида “ASIA MOTOR” МЧЖ ҚК билан “YUTONG” русумли электробусларни таъмирлаш хизматини кўрсатиш бўйича 272-сон шартномага мувофиқ 85 дона режа сервис хизматлари – 439,9 млн сўмни, 7 дона таъмирлаш хизматлари – 76,9 млн сўмни, жами – 516,8 млн сўмни ташкил этмоқда.

2022 йил 28 апрель санасида “TRUCK AND BUS MOTORS” МЧЖ ҚК ўртасида “MAN A22 CNG” русумли автобусларни таъмирлаш учун MAN SDC22-050-сон шартномага мувофиқ 196 дона режа сервис хизматлари – 2 254,4 млн сўмни, 674 дона таъмирлаш хизматлари – 3 865,9 млн сўмни, жами – 6 120,3 млн сўмни ташкил этмоқда.

Жамият таркибига кирувчи автобус саройларини оптималлаштириш мақсадида 2023 йил автобусларни таъмирлаш хизматини кўрсатиш мазкур корхоналар томонидан таъмирлаш ишларини олиб борилиши кўзда тутилган.

2023 йилда қуйидаги хизматларни аутсорсингга топшириш режалаштирилган:

- сиқилган табиий газда ишловчи “MAN A22 CNG” ва “ISUZU” русумли автобусларнинг газ мосламаларини таъмирлаш хизматлари;
- сиқилган табиий газда ишловчи “ISUZU” русумли автобусларнинг газ баллонларини босим остида синовдан ўтказиш хизмати;
- “ISUZU” русумли автобусларнинг узатмалар қутисини таъмирлаш хизмати;
- “ISUZU” русумли автобусларнинг орқа кўприк қисмини таъмирлаш хизмати.

Шунингдек, “Тошавтотаъмирхизмат” УК томонидан хизматлар жадвали Жамият таркибига кирувчи корхоналар томонидан тақдим этилган аризалар асосида шакллантирилади. Хизматлар қиймати таъмирлаш вақтида фойдаланилган эҳтиёт қисмлар ва таъмирлаш ишларининг нархидан иборат.

Ушбу корхона учинчи шахсларнинг автобусларини таъмирлаш ишларини ҳам олиб боради (Жамият таркибига кирмайдиган). Таъмирлаш ишларини амалга оширишнинг устувор йўналишлари шундай тақсимланганки, Жамият таркибига кирувчи корхоналарнинг автотранспорт воситаларига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, биринчи навбатда автобусларнинг йўналишдан узок вақт давомида олиб ташланишининг олдини олиш мақсадида амалга оширилади.

3.2.1 Бозор тузилиши ва хусусиятлари. Рақобатчиларни таҳлили

Хизмат кўрсатиш станциялари (СТО) енгил автомобилларга хизмат кўрсатади, махсус техникани таъмирлаш учун хизмат кўрсатиш станциялари мавжуд. Бироқ катта ва ўрта сифимли автобусларга модификациясидан қатъий назар фақат «Тошавтотаъмирхизмат» унитар корхонасида таъмирлаш ишлари амалга оширилади.

3.3. Ишлаб чиқариш бинолари ва ҳудудларни ижарага бериш бўйича хизматлар. Хизмат кўрсатиш хусусиятлари

Айрим автобус саройлари ҳудудининг бир қисми учинчи шахсларнинг автомашиналари учун тўхташ жойи сифатида ижарага берилган бўлса, 3 та автобус саройи ҳудудининг бўш майдонлари Газ ёқилғини қуйиш шахобчалари учун ажратилган. Бундан ташқари, мавжуд ишлаб чиқариш объектлари ишлаб чиқариш объектларини ёки офисларини жойлаштириш учун ижарачиларга қисман ўтказилди. 2023 йилга мўлжалланган бизнес-режада 2 та автобус саройларининг бўш майдонларини Газ ёқилғини қуйиш шахобчалари учун ажратиш кўзда тутилган.

3.3.1. Бозор тузилиши ва хусусиятлари. Рақобатчиларни таҳлили.

Тошкент шаҳридаги ижара бозорларида автотранспорт воситалари учун тўхташ жойи сифатида фойдаланиш учун ишлаб чиқариш майдонлари чекланган. Шаҳардаги қўриқланадиган автотураргоҳлар асосан енгил автомашиналар учун мўлжалланган. Таксилар учун рухсат этилган тўхташ жойлари жуда чекланган. Бу эса Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида йўналиш таксилари фақат қўриқланадиган тўхташ жойларида тўхташлари белгилаб қўйилгани сабабли уларнинг эгалари учун муайян муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Офислар ва ишлаб чиқариш биноларини жойлаштириш учун ижарага бериш бозори ҳозирда анча рақобатбардош. Ижарага олиш учун кўплаб ишлаб чиқариш ва офис бинолари мавжуд. Бироқ, рақобатбардош нарх билан миқдорларни жалб қилиш имконияти мавжуд.

3.4. Асосий фаолият билан боғлиқ бўлган қўшимча хизматлар

2023 йилда Жамият корхоналари ўз фаолиятига бевосита боғлиқ бошқа хизматларни ҳам кўрсатади, жумладан:

- Автотранспорт воситаларини ювиш;
- Сафар олдидан техник кўриқдан ўтказиш (йўналишли ва йўналишсиз таксилари);
- Автобусларда реклама жойлаштириш;
- Дизел ёқилғисини сақлаш;
- Бошқа хизматлар

3.4.1. Бозор тузилиши ва хусусиятлари. Рақобатчиларни таҳлили

Автотранспорт воситаларини ювиш, сафар олдидан техник кўриқдан ўтказиш (қатнов ва йўловчи таксилари), дизел ёқилғисини сақлаш каби хизматлар бозори тўйинмаган. Шунинг учун таклиф этилаётган хизматлар талабга эга. Жамият автокорхоналари томонидан кўрсатиладиган ушбу хизматларга бўлган талаб, айниқса, ушбу корхоналарда бошқа хизматлардан фойдаланадиган миқдорлар учун долзарбдир: автотураргоҳ учун ҳудудларни ёки биноларни ижарага бериш. Шунинг учун, баъзи хизматларни жадал тарғиб қилиш билан миқдорларни бошқа хизматлардан фойдаланишга жалб қилиш мумкин. Миқдорларни жалб қилишнинг ушбу тамойили (Cross selling, яъни битта миқдорга турли хизматларни сотиш) корхоналар томонидан 2023 йилда қўлланилади.

Автобусда реклама бозори ўсиб бормоқда. Реклама берувчилар, айниқса, истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчилар, фармацевтика корхоналари, хизмат кўрсатувчи компаниялар ва концерт ташкилотчилари ўз маҳсулот ва хизматларини реклама қилиш учун автобус рекламасидан кенг фойдаланадилар. Автобуслардаги реклама давлат телеканалларидаги рекламага қараганда арзонроқ, аммо самараси кам эмас, чунки кўпинча реклама берувчиларнинг потенциал миқдорлари жамоат транспортдан фойдаланадилар.

Шундай қилиб, бозорлар ва мавжуд рақобат таҳлили шуни кўрсатдики, кўзда тутилган қўшимча хизматлар, мавжуд инфратузилмадан фойдаланишади.

Корхоналарни кам харажат эвазига қўшимча молиявий оқимлар билан таъминлашга қодир, корхонанинг умумий рентабеллигини оширишга ёрдам беради.

Мазкур бозор талабга эга бўлиб, маркетинг концепциясини тўғри куриш билан улар Жамиятга маълум фойда келтиради ва асосий фаолиятдан - йўналишларда йўловчиларни ташишда ҳосил бўлиши мумкин бўлган зарарларни қисман қоплайди.

Шу боис бизнес-режада 2023 йилда ушбу соҳани янада жадал ривожлантириш кўзда тутилган.

3.5. Жамият томонидан 2023 йил учун кўзда тутилган асосий вазифалар

Ўтган йиллар таҳлилидан келиб чиқиб 2023 йилда Жамият томонидан қуйидаги вазифаларни янада ривожлантириш орқали асосий фаолият самарадорлигини ошириш режалаштирилган. Жумладан:

- Сервис хизматларини кўрсатиш;
- Янги автобусларни харид қилиш орқали ҳаракат таркибини янгилаш;
- Жамиятинг автобус йўналишларининг тармоғини мақбуллаштириш (шу жумладан йўналишларни чўзиш ёки қисқартириш);
- Ҳаракат хавфсизлигини назорат этиш;
- “Тошшаҳартрансхизмат” АЖнинг 2023 йил учун Коррупцияга қарши кураш (комплаенс назорати);
- “Тошшаҳартрансхизмат” АЖнинг 2023 йилда ахборот сиёсатининг шаклланиши;
- Бошқа тадбирлар.

3.5.1. Автобусларга режа сервис хизматларини кўрсатиш

“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ филиалларидаги автобусларнинг узоқ муддат давомида техник соз, хавфсиз ҳолатда йўловчи ва багажларини ташишларни ташкил этиш мақсадида, автобусларнинг босиб ўтган масофалари асосида тузилган жадваллар асосида режа сервис хизматлари ташкил этилмоқда.

2022 йил якунига кўра Жамият филиаллари тасарруфидаги автобусларга 5 578 дона сервис хизматлари кўрсатилган. Мазкур хизматлар учун 25 700,0 млн. сўм маблағ сарфланган. Молиявий етишмовчилик сабабли ушбу хизматлар етарлик даражада тўлиқ амалга ошириш имкони бўлмаган. Чунки ишлаб чиқарувчи завод томонидан белгиланган регламент асосида навбатдаги сервис хизматини тўлиқ амалга ошириш учун сифатли (оригинал) эҳтиёт қисимлар хариди 56 233,5 млн. сўмни талаб қилинган.

Юқоридагиларни иноватга олиб ҳаракат таркибига сифатли сервис хизматини кўрсатиш ва автобусларни техник соз ҳолда тасарруф этилиши, йўналишларга нуқсонсиз чиқарилишини таъминлаш, шу орқали йўналишдан техник носозликлар билан автобус саройларига таъмирлаш учун вақтидан олдин киришни олдини олиш мақсадида 2023 йилда 7 838 дона автобусларга режалик сервис хизмати тақдим этилиши кўзда тутилган. Мазкур режа сервис хизматларини ишлаб чиқарувчи завод томонидан белгиланган регламент асосида амалга ошириш учун 36 100 млн.сўм миқдорида маблағлар талаб қилинади.

2022 йилда “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ филиаллари тасарруфидаги ҳаракат таркибининг автошинага бўлган эҳтиёжи 6 347 донани ташкил этган бўлиб, бир дона автошинани белгиланган босиб ўтиш масофаси 275/70R22,5 яъни катта сифимли (MAN, Mercedes-Benz) автобуслар учун 85 000 км бўлиб, 225/75R17,5 яъни ўрта сифимли (SAZ LE 60) автобуслар учун 67 500 км, 215/70R17,5 ва 7,5х16С яъни кичик сифимли (ISUZU HP 37/40) автобуслар учун 67 500 км га тенг. Шундан, амалда жами 2 165 дона (34%) автошина харид қилинган бўлиб, етишмовчилик 4 182 донани ташкил қилди. Аккумулятор батареялари бўйича (АКБ) шунга ўхшаш ҳолат бўлиб, яъни 2022 йил учун эҳтиёж 2 718 донани ташкил қилган бўлиб, амалда 586 дона (21%) харид қилинган.

Жамият филиаллари тасарруфидаги автобусларни йўналишда барқарор ишлашини таъминлаш учун 2023 йилда 2 100 дона АКБлар хариди 2 400 млн сўмни, 7 428 дона автошиналар хариди 17 900 млн сўмни ташкил этади.

Шу билан бир қаторда автобусларни жорий таъмирлаш учун 2022 йилда 40 847,2 млн. сўмлик эҳтиёт қисмлар харид қилинган.

2023 йилда ҳаракат таркибини ўртача ёшини ҳисобга олган ҳолда сифатли таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун 56 233,5 млн.сўмлик эҳтиёт қисимлар харид қилиниши ва қайта тиклаш учун хизматларни амалга ошириш режалаштирилган.

3.5.2. Жамиятнинг автобус йўналишларининг тармоғини мақбуллаштириш (шу жумладан йўналишларни чўзиш ёки қисқартириш)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 февралдаги “Тошкент шаҳар жамоат транспорти тизимини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–111-сон қарори иловасида келтирилган “Йўл харитаси”да белгилаб берилган чора-тадбирларини ижросини таъминлаш мақсадида, 2022 йил 1 ноябрь ҳолатига кўра, 97 та автобус йўналишлари фаолиятини мувофиқлаштириш юзасидан 159 та турли ўзгартиришлар амалга оширилди. Юқорида янги йўналишларнинг ташкил этилиши сабаблари ва турлари бўйича маълумотлар келтирилди. Жумладан:

- 1 та (46-сонли) янги магистраль йўналиши ҳаракати ташкил этилди;
 - 3 та (5, 23, 136-сонли) янги ҳалқа йўналишлари ҳаракати ташкил этилди;
 - 4 та (52, 139, 142, 144-сонли) янги етказиб берувчи йўналишлари ҳаракати ташкил этилди;
 - 9 та (20, 39, 104, 112, 133, 137, 138, 143, 151-сонли) янги автобус йўналишлари очилди;
 - 19 та (5, 7, 8, 15, 30, 38, 40, 48, 50, 75, 83, 87, 95, 104, 109, 110, 125, 143, 150-сонли) йўналишлар ҳаракатига ўзгартириш киритилди;
 - 5 та (45, 74, 75, 130, 185-сонли) йўналишлар ҳаракати узайтирилди;
 - 3 та (31, 42, 142-сонли) йўналишлар ҳаракати қисқартирилди;
 - 36 та йўналишлардаги ҳаракат таркиби русумига ўзгартиришлар киритилди (85-сонли) йўналишда катта ҳажмидан ўрта (SAZ LE 60 русумдаги) ҳажмлига, (5, 6, 17т, 19, 21, 22, 23, 30, 32, 45, 49, 56, 59, 61, 74, 78, 97, 98, 126, 129, 134, 136-сонли) йўналишларда кичик ҳажмидан ўрта (SAZ LE 60 русумдаги) ҳажмлига, (129-сонли) йўналишда ўрта ҳажмидан катта ҳажмлига, (34, 122-сонли) йўналишларда катта ҳажмидан кичик ҳажмлига, (51, 81-сонли) йўналишлардаги М.Б. русумли автобуслар электробусларга ўзгартирилди), (12, 17, 38, 46, 47, 69, 83, 91-сонли) йўналишларига MAN A22 CNG русумли автобуслар 2 дондан бириктирилди);
 - 4 та (73, 85, 97, 129-сонли) йўналишларни ноллик йўл юриш масофаларини камайтириш мақсадида бошқа автобус саройига бириктирилди;
 - 17 та (5, 13т, 26, 29, 31, 32, 35, 44, 64, 65, 70, 87, 89, 99, 100, 115, 196-сонли) автобус йўналишлари “онлайн-GPS” масофавий назорат тизими бўйича фаолият юритиш тартибига ўтказилди;
 - 27 та (8, 14, 19, 24, 34, 38, 41, 45, 46, 49, 50, 69, 74, 75, 77, 80, 81, 83, 93, 96, 97, 98, 122, 143, 151, 181, 198-сонли) йўналишлардаги жадваллар сони кўпайтирилди;
 - 6 та (42, 49, 70, 97, 129, 151-сонли) йўналишлардаги жадваллар сони камайтирилди;
 - 11 та (41, 45, 49, 73, 75, 80, 86, 98, 122, 143, 181-сонли) йўналишдаги якшанба кунлари учун жадваллар сони кўпайтирилди;
 - 9 та (6, 32, 33, 42, 58, 70, 84, 135, 145-сонли) йўналишдаги якшанба кунлари учун жадваллар сони камайтирилди;
 - 5 та (2, 33, 58, 86, 115-сонли) йўналишнинг иш тартиби қайта кўриб чиқилди;
 - 2 та (1, 8-сонли) йўналишларнинг номи ўзгартирилди;
- Ҳозирги кунда, автобус йўналишлари фаолиятини мувофиқлаштириш ишлари давом эттирилмоқда.
- Фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари ва бевосита аҳолидан келиб тушган муурожаатлар асосида, 2022-йил мобайнида:
- 181-сонли “Янгийўл деҳқон бозори – Фарход бозори” автобус йўналиши ҳаракати ташкил этилди;
 - “Бинокор” кўргони, “Жалоир” ва “Файзли” МФЙ аҳолисига хизмат кўрсатувчи 184-сонли “Бинокор маҳалласи – Сергели ярмаркаси” автобус йўналиши очилди.
 - М.Улугбек туманида барпо этилган «Янги Ўзбекистон» боғи ҳамда ушбу ҳудудда жойлашган “Боғишамол” ва “Амир Темур” МФЙ аҳолисини шаҳар маркази билан боғловчи янги 151-сонли “Буюк ипак йўли метроси – Янги Ўзбекистон боғи” автобус йўналиши ташкил этилди.


- М.Улугбек туманида жойлашган “Чингелди” МФЙ аҳолисини шаҳар маркази билан боғловчи 50-сонли “Юнусобод мавзеси 9-даҳа – Чингелди маҳалласи” автобус йўналиши ташкил этилди.

- Зангиота тумани аҳолиси талабларидан келиб чиққан ҳолда, 74-сонли “Намуна маҳалласи – Чилонзор метроси” автобус йўналиши ҳаракати узайтирилиб, “Шоимкўприк” бекатигача ташкил этилди.

- “М.Фозилов” жамоа ҳўжалиги аҳолиси талабларидан келиб чиққан ҳолда, 65-сонли “М.Фозилов – Пахтакор метроси” автобус йўналиши ҳаракатига ўзгартириш киритиб, йўналиш “Заҳарик маҳалласи”гача ташкил этилди.

3.5.3. Ҳаракат хавфсизлигини назорат этиш

“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ таркибидаги автосаройларнинг ҳайдовчилари айби билан 2022-йилнинг 9 ойида содир этилган ЙТҲларнинг 2021-йилга нисбатан солиштирма гистограммаси



Бугунги кунда автокорхоналар филиал сифатида “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ таркибига ўтказилгандан сўнг, ҳайдовчиларни ишга қабул қилиш филиал директори тавсиясига кўра Ҳаракат хавфсизлиги комиссияси томонидан ҳайдовчининг касбга лойиқлиги текширилади. Комиссия томонидан ижобий хулоса берилса, Ҳаракат хавфсизлиги бўлими томонидан филиал директорига ишга қабул қилиш юзасидан кўрсатма хат берилади.

Ҳозирги кунда жуда кўпчилик ҳайдовчилар томонидан хавфсизлик ва ички тартиб низомлари қоидалари бузилиши ва йўл ҳаракатида бахтсиз ҳодисаларни келтириб чиқишига сабабчи бўлган ҳайдовчилар сони охириги йилларда кўпайиши кузатилган. Шу сабабли, бир неча бор қоидабузарликка йўл қўйган ҳайдовчиларни алоҳида рўйхати шакллантирилган ва бундай ҳайдовчиларни тизим ташкилотларига ишга олмаслик Ҳаракат хавфсизлиги бўлими томонидан ички буйруққа асосан назоратга олинган.

Юқоридаги ҳолатларни салбий оқибатларини олдини олиш мақсадида 2023 йилдан бошлаб, **ИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ РЕЖАСИ**ни ишлаб чиқиш кўзда тутилган бўлиб, ундан мақсад қоидабузар ходимларни рўйхати шакллантириш ва уларни бир ой давомида кузатув остига олиш ва синов натижалари бўйича лавозим ёки ишга лойиқлик масаласи бўйича қарор қабул қилинади. Бунда иловага мувофиқ иш самарадорлик кўрсаткичлари шакллантирилган. **(Илова қилинади).**

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ЙХХББнинг 11.11.2022 йилдаги 24/11-11444-сонли хатига асосан “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ нинг дастурий таъминотини КААТ маъмурий амалиёти тизимига интеграция қилиш жараёнлари бошланган. Бундан мақсад, кунлик Жамият тизимига тегишли автобусларини содир этган қоидабузарликларни тезкор фурсатда фото ва видео фиксация қилиш орқали назоратга олиш ва ўз вақтида қоидабузар-

ҳайдовчиларда жарималарни ундириш чораларини йўлга қўйиш ва кейинчалик ҳайдовчиларга нисбатан интизомий жазо чораларини кўриш.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 2023-йилда ҳайдовчилар айби билан содир этиладиган йўл-транспорт ҳодисалари сонини 2022 йилга нисбатан **20 фоизга камайтириш** режалаштирилган (2020-йилда 78 та ЙТХ содир этилган, 2021-йилда 72 та, 2022-йил 9 ойда 87 та).

Бунга эришиш учун қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

1) Ҳайдовчилар билан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича профилактик ва тушунтириш ишларини мунтазам равишда олиб бориш:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 майдаги 408-сон қарорига асосан **1986 нафар ҳайдовчиларнинг** махсус дастур бўйича малакасини ошириш;

- йўналишларда ҳайдовчиларнинг иши устидан назорат қилиш бўйича Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ, Транспорт бошқармаси АТХТНҚБ инспекторлари билан **ҳамкорликдаги рейд тадбирларини ўтказиш** ва Жамият матбуот хизмати билан биргаликда танкидий мақолалар тайёрлаш;

- ҳайдовчилар билан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича **5 турдаги йўриқномаларни** ўтказиб бориш;

- қоидабузарликка йўл қўйган ҳайдовчиларга нисбатан ўрнатилган тартибда **интизомий жазо чоралари кўрилишини** таъминлаш;

- ЙТХлар ва қоидабузарликларнинг содир этилиш сабабларини йўналишлар кесимида **ҳар чоракда таҳлил қилиб бориш** ва Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ ходимларини таклиф қилган ҳолда ҳайдовчилар иштирокидаги йиғилишларда муҳокама қилиш;

- йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўрнатилган кўрсатиб келаётган ҳайдовчиларни “Моҳир ҳайдовчи” кўкрак нишони билан **рағбатлантириш** ва бу бўйича Жамият матбуот хизмати билан биргаликда мақолалар тайёрлаш.

2) Автосаройларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга оид ишларнинг талаб даражасида бажарилишини тизимли назорат қилиш:

- ҳайдовчиларнинг **иш ва дам олиш** режимига риоя қилишларини назорат қилиш;

- йўналишга чиқиш олдида ҳайдовчиларнинг **тиббий кўрикдан**, автобусларнинг **техник кўрикдан** талаб даражасида ўтишини назорат қилиш;

- ҳайдовчиларнинг **даврий тиббий кўрикдан ўз вақтида ўтишини** ва тиббий маълумотномалари амал қилиш муддати ўтиб кетмаслигини назорат қилиш.

3) Автосаройларнинг йўл ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга оид моддий техник базасини яхшилаш:

- ҳайдовчиларнинг йўналишга чиқиши олдида тиббий кўрикдан ўтишларини шаффофлигини таъминлаш ва инсон омили аралашувини олдини олиш мақсадида, автосаройларда **тиббий кўрикдан ўтишнинг электрон тизимини (ЭСМО)** жорий қилиш;

- ҳайдовчилар билан профилактик ишлар олиб бориш учун **“Ҳаракат хавфсизлиги синфи”ни ташкил этиш** ва талаб даражасида жиҳозлаш;

- “Тошшаҳарттрансхизмат” АЖ тадбирларида иштирок этиш, ЙТХ жойига зудлик билан етиб бориш учун Ҳаракат хавфсизлиги бўлимига қўшимча 4 та штат бирлиги киритиш ва 4 та **“Махсус автомобиль” бириктириш бўйича таклиф ишлаб чиқилмоқда;**

- йўл ҳаракати қоидабузарликларини автоматик қайд этиб бориш, содир бўлган ЙТХларга ҳолисона баҳо бериш, ҳайдовчилар ишини доимий назорат қилиш мақсадида автобусларга **видеорегистратор ва камералар ўрнатишни** ташкиллаштириш ва мазкур ишларни молиялаштиришга тадбиркорларни жалб қилиш.

3.5.4. “Тошшаҳарттрансхизмат” АЖнинг 2023 йил учун Коррупцияга қарши кураш (комплаенс назорати)

“Тошшаҳарттрансхизмат” АЖ ва тизимдаги корхоналарда коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ҳамда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш чораларини кўриш, шаҳарда йўловчи ташиш фаолиятини амалга ошириш давсида амалдаги

норматив-ҳуқуқий ва локал ҳужжатлар талаблари бажарилиши ҳамда уларга амал қилиниши юзасидан мониторинг олиб бориш мақсадида “Тошшаҳартрансхизмат” АЖнинг Коррупцияга қарши кураш (комплаенс назорати) бўлими томонидан соҳага оид норматив ҳужжатлар асосида 2023 йил давомида тегишли тадбирларнинг амалга оширилиши режалаштирилган.

Коррупцияга қарши кураш (комплаенс назорати) бўлимининг асосий фаолият йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ ва тизимдаги корхоналар фаолиятини коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартлар, меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ташкил этилганлигини мониторинг қилиш;

- коррупция хавф-хатарлари ва манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ҳамда чек қўйиш;

- қонун бузилиши ҳолатларининг ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш;

- Жамият ва тизимдаги корхоналардаги ҳужжатларнинг мувофиқлик даражасини ўрганиб бориш.

Коррупцияга қарши кураш (комплаенс назорати) бўлими фаолиятини самарали жорий этилиши ҳисобига қуйидаги натижаларга эришилади:

- коррупция хавф-хатарларини ўз вақтида аниқлаш ва чек қўйиш;

- коррупциянинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда уларни минимум даражага тушириш;

- коррупцион хавф-хатарлар юзага келиши мумкин бўлган йўналишларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган профилактик чораларни белгилаш;

- Жамият ва тизимдаги корхоналарда ҳисобдорлик ва шаффофликни таъминлаш;

- Жамият ва тизимдаги корхоналар ходимлари томонидан касбий одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя этилишини ва хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувининг олди олинишини таъминлаш;

- қонун бузилиши, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар, одоб-ахлоққа зид хатти-ҳаракатлар юзасидан хабар бериш тартибининг аниқ механизмларини жорий этиш.

Коррупцияга қарши кураш (комплаенс назорати) бўлими томонидан 2023 йил давомида қуйидаги тадбирларнинг амалга оширилиши режалаштирилган:

- коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаб бориш ва уларнинг олдини олишга қаратилган профилактик чораларни ишлаб чиқиш йўли билан фаолиятни коррупциядан ҳоли этишга қаратилган тизимни йўлга қўйиш;

- Жамият ва тизимдаги корхоналар ходимлари фаолиятида коррупциявий хатти-ҳаракатлар, манфаатлар тўқнашуви ёки хизмат одоб-ахлоқ қоидалари нормаларининг бузилиши мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар (мурожаатлар) асосида ўрнатилган тартибда хизмат текширувларини ўтказиш;

- жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция масалалари бўйича мурожаатларини белгиланган тартибда кўриб чиқиш;

- “Тошшаҳартрансхизмат” АЖнинг буйруқлари, фармойишлари, Низомлари ва бошқа локал ҳужжатлари, шартномалар ва уларнинг лойиҳаларини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мослиги, коррупциоген ҳолатлар юзасидан мониторинг қилиш, тегишли таклифлар киритиш, келишиш;

- “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ ва тизимдаги корхоналарда “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ коррупцияга қарши ички назорат (комплаенс назорат) ҳужжатлари талаблари бажарилиши юзасидан мониторинг ўтказиш;

- “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ ва тизимдаги корхоналар ходимлари ўртасида коррупцияга қарши тарғибот-ташвиқот ишларини ташкиллаштириш;

- Жамият ва тизимдаги корхоналар ходимларида коррупцияга қарши муросасиз муносабатни шакллантириш ҳамда ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида семинарлар, давра суҳбатларини ташкиллаштириш;

- “9 декабрь – Халқаро коррупцияга қарши курашиш кuni”га бағишланган “Тошшаҳартрансхизмат” АЖнинг Аксилкоррупция тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширилишини ташкиллаштириш.

3.5.5. “Тошшаҳартрансхизмат” АЖнинг 2023 йилда ахборот сиёсатининг шаклланиши

Ахборот хизматининг асосий вазифаларидан бири «Тошшаҳартрансхизмат» АЖнинг замонавий талабларга мувофиқ белгиланадиган ахборот сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этишдан иборат. «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ ижобий имиджини ривожлантириш мақсадида Ахборот хизмати томонидан 2023 йилда қуйидаги тадбирларнинг амалга оширилиши режалаштирилган.

Ҳаракатлар стратегиясидан ривожланиш стратегиясига ўтилиши ҳамда стратегиянинг 2023 йил учун белгилаб бериладиган тадбирларида транспорт соҳасига оид вазифаларни «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ ва тизимдаги корхоналар фаолиятида амалга оширилиши кенг ёритиб борилади.

Жумладан, 2023 йилда «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ ва жамоатчилик ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтириш, фуқаролардан йўловчи транспорти хизмати кўрсатиш соҳасига оид мурожаатларида кўтарилган масалалар ечимини топиш, бунда Жамиятнинг масъул ходимлари иштирокида сайёр қабулларни ташкил этиш.

«Тошшаҳартрансхизмат» АЖга фуқаролар томонидан йўлланган ёзма ва оғзаки мурожаатлар статистикаси асосида улар томонидан кўтарилган энг муаммоли масалаларни танлаб олиб, ушбу муаммолар ечимини топиш ҳамда натижаларини Жамиятнинг телеграм, Facebook ва инстаграмдаги расмий саҳифаларида эълон қилиш. Бунда, муаммоли масалалар ечими юзасидан «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ масъул ходимлари бевосита фуқаронинг саволларига жавоб беришлари ташкиллаштирилади. Бу билан фуқароларнинг Жамиятга бўлган ишончи ортишига эришилади. Мазкур тадбирларни 2023 йил давомида ўтказиб бориш, яъни ҳар ойда бир маротаба режалаштирилмоқда.

Бундан ташқари Тошкент шаҳрининг туманлари кесимида ҳар ойда пойтахтнинг 12 та туманларидан бири танлаб олиниб, ушбу туман аҳолисининг йўловчи транспорти фаолияти бўйича таклиф ва мурожаатларини органиш мақсадида сайёр қабуллар ташкил этилади. Ечимини кутаётган масалалар мутассадди ходимлар томонидан кўриб чиқилиб, жойида ҳал қилинишига ёки муаммонинг мураккаблигидан келиб чиқиб, кўшимча ўрганишлар ўтказилиши ташкиллаштирилади. Мазкур тадбирларда Жамият Бошқарув раиси, бошқарув раисининг ўринбосарлари, маслаҳатчилари, бўлим ва хизмат бошлиқлари, тизимдаги корхоналар раҳбарлари иштирокида ўтказилиши амалга белгиланган.

Шаҳарда йўловчи ташиш соҳасида ечими топилмаган мавжуд муаммолар, зиддиятли масалалар, таклифлар хусусида мутахассислар билан интервьюлар ташкил этиш.

Бунда, «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ Бошқарув раисининг ўринбосарлари, маслаҳатчилари, бўлим ва хизмат бошлиқларидан ўз йўналишлари бўйича олиб борилаётган ишлар, соҳага жорий этиладиган янгиликлар, шунингдек мавжуд муаммолар юзасидан интервьюлар олиниб, ушбу муаммоларнинг ҳал этилиши йўналишлари ёритиб берилади ҳамда ижтимоий тармоқларга жойлаштирилади. Шунингдек, тайёрланган интервьюларда кўтарилган масалалар бўйича келиб тушадиган саволларга онлайн равишда жавоб берилиши ташкиллаштирилади. Ушбу тадбирни амалга ошириш йўли билан Жамиятнинг тегишли бўлимлари томонидан муаммоларни ҳал этиш юзасидан қандай чоралар кўрилаётганлиги ва жамоат транспортининг ривожланишидаги ҳиссаси ёритиб берилади. 2022 йил давомида ҳар ойда тегишли бўлимларнинг 1 тадан ходимларидан жами 12 та интервьюлар олиниши режалаштирилган.

«Тошшаҳартрансхизмат» АЖдаги соҳага оид янгиликларни фуқароларга етказиш мақсадида махсус сўровномалар ташкил этиш, соҳада юз бераётган ўзгаришлар юзасидан йўловчиларнинг фикрини доимий равишда ўрганиб бориш.

2023 йил давомида турли мавзуларда (йўловчи ташиш фаолиятидаги камчиликлар ва ютуқлар, транспорт карталарининг афзалликлари ва камчиликлари, автобусларнинг техник ҳолати юзасидан ҳамда жамоат транспортини ривожлантириш бўйича таклифлар) ҳар ойда 2 маротаба, жами 24 та ижтимоий сўровномалар ўтказиш режалаштирилган.

Давлатимизда кенг нишонланадиган муҳим саналар, байрам тадбирларига профессионал видео роликлар тайёрлаш. Бунда, байрам тадбиридан келиб чиққан ҳолда ҳамкор ташкилотлар ва Жамиятнинг ходимлари иштирокида шеър ёки матн ўқиш, роль ўйнаш орқали табрик ва видеоролик тайёрланади. Ушбу тадбирлар бевосита Жамият бошқаруви раисининг Маънавий ва маърифий ишларни ривожлантириш бўйича малаҳатчиси билан ҳамкорликда тайёрланади. 2023 йил давомида ўртача ҳисобда 20 та профессионал видеороликлар тайёрланиши режалаштирилган.

2023 йил давомида 2 маротаба «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ томонидан амалга оширилаётган ишлар сарҳисоби бўйича турли шаклларда пресс-конференциялар ўтказиш.

2023 йилнинг ҳар ярим йиллиги якунлари бўйича пресс-тур , брифинг ёки матбуот анжумани ўтказиш режаси Оммавий ва ахборот коммуникациялар агентлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади ва Жамият томонидан амалга оширилаётган ислохотлар юзасидан Миллий матбуот марказида жонли эфирда оммавий ахборот воситалари иштирокида матбуот анжумани ўтказилади. Биринчи матбуот анжумани 2023 йилнинг июнь ойида, иккинчиси 2023 йилнинг декабрь ойида ўтказилиши режалаштирилган.

Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ Бошқарув раиси, ахборот хизмати раҳбарининг расмий баёнот ва интервьюларини тайёрлаш.

Электрон ва босма оммавий ахборот воситалари журналистлари ҳамда ташкилотлар ахборот хизматлари томонидан тайёрланаётган лавҳа, репортаж, интервьюларда Жамиятнинг Бошқарув раиси ва ўринбосарларининг нутқини тайёрлаш, бўлим ва хизмат бошлиқларидан олинган тегишли маълумотларни журналистларга тақдим этиш.

«Тошшаҳартрансхизмат» АЖнинг ижтимоий тармоқлар (телеграмм, фейсбук, инстаграм, веб-сайт)даги расмий саҳифаларини такомиллаштириш ва уларни Жамият фаолиятига доир янгиликлар билан доимий равишда бойитиб бориш.

Жамиятнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларини такомиллаштириш учун ҳамкор вазирлик, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ташкилотларнинг (Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги ва х.к.) ахборот хизмати ходимлари билан доимий равишда алоқалар ўрнатиб, Жамиятнинг ахборот хизмати томонидан тайёрланган материалларни тарқатилишида ҳамкорлик қилиш.

3.5.6. Жамиятнинг ички қувватларини самарали бошқариш юзасидан амалга оширилиши режалаштирилган тадбирлар тўғрисида.

“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ биноси:

2023 йилда жамият маъмурий биносининг 7 қаватини капитал таъмирлаш режалаштирилган, бунинг учун қурилиш материаллари харидига 760,0 млн.сўм, таъмирлаш ишлари жамиятни ўз кучи юбилан амалга оширилади.

Бинодаги тасарруф килинаётган 4 дона лифтлардан иккитасини замонавий тоифаларига алмаштириш иш ҳажми қиймати дастлабки ҳисоб-китоб ларга кўра 1 000,0 млн сўмни ташкил қилмоқда.

2023 йилда “4-автобус саройи” филиалини электр таъминоти мунтазамлигини таъминлаш мақсадида шаҳар электр тармоқларининг “Жанубий вокзал” тортиш нимстанциясидан филиал ҳудудидаги 0,4 кВа қувватли мавжуд трансформаторгача бўлган 2100 метр масофага юқори кучланишли электр кабелини ва иккинчи 0,4 кВа қувватли трансформаторни харид қилиш, ўрнатиш ва шаҳар электр тармоқларига улаш. Ушбу ишларни амалга ошириш учун ААБл 3х240-10 русумли юқори кучланишли электр кабелининг нархи 504,0 млн. сўм, 0,4 кВа қувватли тақсимловчи трансформатор 101,0 млн. сўм, бажариладиган ишлар ҳажми қиймати 60,0 млн сўм жами 605,0 млн. сўм пул маблағи зарур бўлади. Натижада электр таъминотини нимстанциядан автобус саройи ҳудудигача йўқотишларни 12%га камайишига эришиш мумкин.

“7-автобус саройи” филиали ҳудудига шаҳар электр тармоқлари тортиш нимстанциясидан янги юқори кучланишли ААБл 3х240-10 русумли кабелини ётқизиш, 1000 кВа ёки 630 кВа қувватли трансформатор ўрнатиш ва электр тармоқларига улаш. Жами материаллар хариди ва бажариладиган ишлар ҳажмлари капитал таъмирлаш, юқори кучланишли кабелни алмаштириш 480,0 млн сўм.

Электробуслар учун қувватлаш шахобчасини қуриш:

Жамиятнинг барча 8 та автобус саройлари филиаллари ҳудудида электробусларни қувватлантирувчи шахобчаларни қуриш режалаштирилган. 1 дона қувватлантирувчи шахобча учун тақсимловчи трансформаторлар нархи 4 531,55 млн. сўм, қурилиш ишлари ҳажми 310,78 млн. сўм, жами 8 та қувватлантирувчи шахобчаларни қуриш учун 38 738,6 млн.сўм миқдорида пул маблағлари керак бўлади.

Козонхоналарни таъмирлаш:

“5-автобус саройи филиали” козонхонаси 1960 йилда фойдаланишга топширилган бўлиб, тасарруф муддати 62 йилни ташкил этади. 2021 йилда битта козон капитал таъмирланган, иккинчи козон носоз ҳолда.

Ҳозирги кунда мавжуд козонхонанинг ўртача бир ойда сарф қиладиган табиий газ ҳажми 25 000 м³ бўлиб, харажат 16,5 млн. сўмни, йиллик куз –қиш (иситиш мавсумида) сарфланадиган табиий газ ҳажми 100 000 м³, харажат 66,0 млн. сўмни ташкил этмоқда. 2023 йилда корхонанинг 3 та биносида маъмурий бино, ишчи –ҳодимлар ювиниш хонаси ва ҳаракат таркибларини таъмирлаш участкасида алоҳида замонавий, тежамкор козонлар (аристон) ўрнатилиб, иситиш тизимини модернизация қилиш кўзда тутилган. Жами қурилиш материаллари ва бажариладиган иш ҳажмлари қиймати 486,2 млн. сўмни ташкил этади ва филиалдаги иситиш тизими модернизация қилиниши натижасида, ойлик сарфланадиган табиий газ ҳажми 12 000 м³ га камайиши, харажат эса жами бир ойда 7,92 млн.сўмни ташкил этиши, бир йил давомида 72 000 м³, табиий газ сарфланиб, харажат 47,5 млн. сўмни, йиллик иқтисод 18,5 млн. сўмни ташкил этади.

IV. Энергоресурслар таъминоти ва уларнинг сарфи

2022 йилнинг март ойидан бошлаб 20 дона электробусларни тасарруфга қўйилишини ҳисобга олган ҳолда йиллик электр энергияси истеъмоли ҳажми жамиятнинг “1-автобус саройи” филиали бўйича 1 980 минг.кВт.с. (720,0 минг.кВт.с)га ва “8-автобус саройи” филиали бўйича 1 405 минг. кВт.с. (470,0 минг.кВт.с) га ошганлигини ҳисобга олиб жамият бўйича жами 2022 йил учун 10 274,6 минг.кВт.с. электр энергия истеъмоли ҳажми учун шартнома тузилган бўлиб, жорий йилнинг 10 ойида амалда 6 775,7 минг кВт.с сарфланган, шундан 20 дона электробусларни қувватлантириш учун:

$$20 \text{ дона} \times 350 \text{ кВт} \times 217 \text{ кун} = 1\,519,0 \text{ минг кВт.с.}$$

2021 йилда жами 9 101,9 минг кВт электр энергия истеъмоли бўйича шартнома тузилган бўлиб, амалда жами 6 912,5 минг кВт электр энергияси сарфланган. Шартнома кўрсаткичига нисбатан 2 189.4 кВт.с. кам сарфланган ва 985, 2 млн. сўм иқтисод қилинган.

2023 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб яна 400 дона катта сиғимли (12м) ва 53 дона ўта катта сиғимли (18м) электробусларни харид қилиниши режалаштирилганини инобатга олган ҳолда:

400 дона x 350 кВт.с x 182 кун = 25 200 минг кВт.с. ва

53 дона x 560 кВт.с. x 182 кун = 5 238,5 минг.кВт.с. электр энергияси сарф қилиниши кутилмоқда ва бу ўз ўрнида йиллик сарфланадиган электр энергиясига қўшимча бўлади, яъни:

8 919,4 минг кВт + 2 471,0 минг кВт.с. + 25 200 минг кВт.с + 5 238,5 = 41 828,9 минг кВт.с. ни ташкил этади.

“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ бўйича 2022 йил учун жами 1 104,2 минг м³ ҳажмдаги табиий газ таъминоти бўйича шартнома тузилган.

Амалда жорий йилнинг 10 ойи мобайнида жами 460 минг м³ табиий газ сарфланган, йилнинг охиригача яна 380,4 минг м³ сарфланиши кутилмоқда ва натижада 2022 йил бўйича жами 840,4 минг м³ табиий газ сарфланади, шартнома кўрсаткичига нисбатан 263,8 минг м³ иқтисод қилишга эришилади.

2023 йилда жами 1 060,5 минг м³ ҳажмдаги табиий газ истеъмоли учун шартнома тузиш режалаштирилмоқда, амалда 760,3 минг м³ сарфлаш кўзда тутилмоқда, шартнома кўрсаткичига нисбатан иқтисод 300,2 минг м³ни ташкил этиши кўзда тутилган.

4.1. Ёқилғи-энергетика ресурсларини истеъмол қилишнинг самарадорлигини ошириш ва энергия сиғимини камайтириш

Қуёш фотоэлектр панелларини ўрнатиш 2023 йилда жамият бош биноси том қисмига 50 кВт қувватли қуёш панелларини ўрнатиш режалаштирилган, уларнинг ишлаб чиқарадиган йиллик электр қуввати 75 000 кВт.с ни ташкил қилади ва йиллик 1 110 000 кВт.с истеъмол ҳажмининг 6,8% ни ташкил қилади, лойиҳа қиймати 550,0 млн сўм. Лойиҳани режалаштиришдан мақсад келгусида харид қилинадиган электробусларни заряд қурилмасини қурилиши ҳисобига электр қувватидан тежамли ва самарали фойдаланишдан иборат.

V. Жамият тизимидаги корхоналарнинг SWOT-таҳлили

Кучли томонлари (ички факторлар)	Заиф томонлари (ички факторлар)
- Шаҳарнинг транспорт йўналишлари билан кенг қамраб олинганлиги; - Мосланувчи йўналишни режалаштириш имконияти; - Асосий транспорт хизматлари ва қўшимча хизматларни кўрсатиш учун моддий-техник базанинг мавжудлиги, жумладан: - буюртма бўйича транспорт хизмати; - жарима майдони хизмати; - автотранспортлар учун жой ва бинолар ижараси; - ўзга транспорт воситаларини таъмирлаш ишларини олиб бориш ва бошқалар. - Жамиятнинг тажрибали менеджменти; - Йўловчи ташиш хизматлари фаолиятига инновация технологияларни жорий этилганлиги (GPS, электрон табло, автобуслар ҳаракати ҳақидаги мобиль илова ва бошқалар)	- барқарор зарар билан ишлайдиган, чекланган тарифда тез ўсиб боровчи харажатлар; - харажатларни қопламайдиган субсидиялар капитал қўйилмалар учун маблағларнинг етарли эмаслиги; - юқори даражадаги қарздорлик; автобуслар ва таъмирлаш жиҳозларининг юқори даражада эскирганлиги; - малакали ҳайдовчилар етишмаслиги; - барча даромадларни назорат қилиш имкони йўқлиги; - чекланган тарифларнинг Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан таннархни ҳисобга олмасдан, Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланиши; - тарғибот ишлари суствлиги ва қўшимча хизматлар бўйича рекламалар чекланганлиги;
Имкониятлар (ташқи атроф муҳит факторлари)	Хавф-хатарлар (ташқи атроф муҳит факторлари)
- Давлат томонидан Тошкент шаҳри транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда; - Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати	- Ўз вақтида эҳтиёт қисмлар ва ёқилғи билан таъминланмаслиги, автобус хизматида узилишлар ва туриб қолишлар келтириб чиқариши; - Транспорт оқимининг кўпайиб кетиши ва

томонидан автобус паркини янгилаш бўйича дастурлар ишлаб чиқиладигани;

- Автоматлаштирилган тўлов тизимини жорий этишда давлат кўмаги;

- Катта ва ўрта сизимли автобусларнинг маҳаллий ишлаб чиқарувчилари мавжудлиги;

- Шаҳар йўналишларини солиштириш ва такрорланувчиларини йўқ қилиш имконияти мавжудлиги;

- Буюртма асосида транспорт хизматлари кўрсатиш бўйича, ижара бўйича ташкилотлар билан қўшимча шартномалар тузиш имкони мавжудлиги.

- 8 та автокорхонанинг ягона бухгалтерия-молиялаш тизими яратилганлиги консолидацияланган молиявий ҳисоботлар таҳлил ва ресурсларни марказлашган улгуржи хариди ҳисобига иқтисод қилиш имкони (айланма пул маблағларни етарлилиги ҳисобига самара келтиради);

- 5) йўл кира билан боғлиқ бўлмаган реклама, соатлик ижара ва бошқалар каби даромадлар ошириш;

шаҳар йўлларида қурилиш ишларини олиб борилиши сабабли транспорт тирбандлиги даражаси ортиб бориши, ёқилғи ва шиналар нархининг ошиши. Об-ҳаво шароити, йўл-транспорт ҳодисалари, светофорларнинг нотўғри ишлаши ёки ишламай қолиши ва кўчаларнинг ёпилиши туфайли ҳаракатланиш оралигини бузилиши йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифати ёмонлашиши кузатилади ва бундай шароитларда тажрибасиз ҳайдовчилар билан йўл бахтсиз ҳодисаларини кўпайишига олиб келган;

- Янги рақобатчиларнинг - хусусий ташувчиларнинг пайдо бўлиши;

- Транспортнинг бошқа турлари билан ўзаро ҳамкорлик даражаси сустлиги.

SWOT таҳлил шуни кўрсатадики, Давлат томонидан Тошкент шаҳридаги йўловчи ташиш тизимига катта аҳамият берилмоқда. Бироқ, имкониятлар ва кучли томонлар билан бир қаторда, Жамият заифликлар ва таҳдидлардан келиб чиққан муаммоларга ҳам эга. Аксарият муаммолар ташқи факторларга боғлиқ, йўлларда тирбандликнинг ортиб бораётганлиги, эҳтиёт қисмлар ва ёқилғи етказиб бериш кабилардир. Транспорт воситаларини янгилаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг буюртмаси бўйича хизматларни кенгайтириш учун етарли инвестиция маблағларининг йўқлиги қўшимча хизматлар кўрсатиш имкониятини қийинлаштиради.

Шу билан бирга, чекланган тарифлар асосида хизматларни кўрсатадиган корхоналарнинг рентабеллигига тенглашиш имкониятини бермайди, шунинг сабабидан, қўшимча хизматлардан олинган даромадлар корхоналарнинг рентабеллигини ортишига катта ҳисса қўшиши керак.

Йўналишда йўловчи ташиш хизматининг сифати кўп жиҳатдан автобуслар қатновининг мунтазамлигига боғлиқдир. Шунинг учун, автобусларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш транспорт воситаларини сонининг кўпайишига кўмак бўлади, бу эса муаммони кўп жиҳатдан ҳал қилиши мумкин. Бундан ташқари, ўтказилган маркетинг тадқиқотларига кўра, транспорт хизматларининг сифати ҳаракатланиш қулайлигини ўз ичига олади. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, автобус интерьерлари дизайнига ўзгартиришлар киритилиши мумкин, шунингдек, автобус ҳайдаш сифатига эътибор қаратилади.

Йўловчи ташиш хизматлари (GPS, электрон табло, автобуслар ҳаракати ҳақидаги мобил илова) фаолиятига инновацион технологияларни жорий этиш янада чуқурлашиши ва кўрсатиладиган хизматлар сифатини оширишга кўмаклашиши лозим.

VI. Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги

2022 йилда “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ ва “Xavfsizmehmat” МЧЖ томонидан ўрнатилган тартибда тузилган жами 221,7 млн сўмлик шартномалар асосида, филиалларидаги 181 дона ишчи ва муҳандис-техник ходимлар меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича малакасини ошириш учун ўқув амалиёти ўтказилди.

Шунингдек, 2022 йилда Жамият таркибидаги филиалларда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, 265 дона ўт ўчириш мосламалари харид қилинган ҳамда 223 дона ўт ўчириш мосламалари қайта тўлдирилган.

Жамият таркибидаги филиллар учун Экология китоблари (PDV, PDO, PDS) Санитар техник паспортлари ўрнатилган тартибда ишлаб чиқарилди, Жамият таркибидаги 4 та филилларда муҳандис техник ходимларини иш ўринларини шаходатлаш бўйича ўрнатилган тартибда китоблар ишлаб чиқарилди.

2022 йилда “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ ва “Avtotranstikuv mash” МЧЖ ўртасида шартнома тузилган, “Avtotranstikuv mash” МЧЖ томонидан ёрдамчи техник ходимлар ва таъмирлаш ходимларига 23 хил махсус кийимлар жами 104,6 млн.сўм пул маблағга ўрнатилган тартибда тикилмоқда.

Табиий газда ишловчи автобусларни хавфсиз тасарруф этиш учун улардаги 177 дона хайдовчиларни ўрнатилган тартибда 7,08 млн.сўмлик ўқув амалиёти ўтказилмоқда.

“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ ва унинг филиалларидаги меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича ягона кўринишда йўриқнома намунаси ишлаб чиқилмоқда.


2023 йилда “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ “Саноатконтехназорат” ДУК ўртасидаги 41,580 млн сўмлик шартномага мувофиқ Жамият филиалларидаги 45 дона ишчи ходимларнинг меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича малакасини ошириш учун ўқув амалиёти ташкил этилиши кўзда тутилган.

2023 йилда филиаллардаги 25 дона иш ўринларини 9,5 млн сўмга аттестациядан ўтказиш ҳамда “12-Автобус саройи” ва “18-Автобус саройи” филиаллари экология бўйича норматив китобларни 34,0 млн.сўмга қайта ишлаб чиқиш режалаштирилган.

VII. Экология ва атроф муҳитга таъсир

2022 йил давомида 20 дона катта сиғимли “YUTONG” русумли электробуслар, 200 дона ўрта сиғимли “SAZ LE 60” русумли ва 190 дона катта сиғимли “MAN A22 CNG” русумли автобуслар хариди асосида атмосферага чиқариладиган зарарли моддалар миқдори **5 025,3** тоннани ташкил этган.

2023 йил давомида 400 дона катта сиғимли ва 53 дона ўрта катта сиғимли электробуслар харид қилиниши ҳамда дизель ёқилғисида ишлайдиган тасарруф этиш муддати ўтган автобусларни ҳисобдан чиқарилиши ҳисобига атмосферага чиқариладиган зарарли моддалар миқдори **4 630,8** тн бўлиши кутилмоқда.



VIII. Кўрсаткичлар

8.1. Йўловчилар ташиш режаси

8.1.1. Жорий йўловчиларни ташиш ҳолати

2022 йил якунига кўра, йўловчи ташиш ҳажми 146,0 млн. йўловчини ташкил этиши кутилмоқда. Йўловчилар умумий сонининг 2022 йил прогнозига нисбатан пасайиши (158,7 млн. йўловчи) -17,7 млн. сўм ёки 11,1 % ни ташкил этади. Шаҳар йўловчиларини ташишда жами 141,0 млн. йўловчи ташилиши кутилмоқда, шу жумладан йўналишли йўналишларда 106,5 млн. йўловчи. Транспорт карталаридан фойдаланадиган йўловчилар ҳажми 31,0 млн. йўловчини ташкил этади. Шаҳар жамоат транспортидан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган йўловчилар ҳажми 3,5 млн. йўловчини ташкил этади. 2022 йил охирига қадар соатбай ташиладиган йўловчилар ҳажми 5,0 млн. йўловчини ташкил этади.

8.1.2. Йўловчилар ташишнинг 2023 йил учун прогноз кўрсаткичлари

2023 йил жорий шароитда 176,3 млн. йўловчи ташилиши кутилмоқда, шу жумладан йўналишдаги йўловчилар 131,5 млн. йўловчи, транспорт карталаридан фойдаланадиган 35,8 млн. йўловчи, шаҳар йўловчи ташиш транспортидан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган 4,0 млн. йўловчи ва соатбай буюртмалар 5,0 млн. йўловчи. Бунда, 2022 йил городские пассажиры 30,3 млн. йўловчини ёки 121,5 % ни кутилаётган кўрсаткичларга нисбатан ўсиш йўналишдаги йўловчилар (линейные) бўйича – 25,0 млн. йўловчини ёки 123,5 % ни, транспорт карталаридан фойдаланувчи йўловчилар бўйича – 4,8 млн. йўловчи ёки 115,5 % ни ташкил этди ва шаҳар йўловчи транспортидан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган йўловчилар бўйича 0,5 млн. ёки 114,3 % ни ташкил этади.

8.2. Молиявий режа

8.2.1. Жорий молиявий кўрсаткичлар

2022 йил якунига кўра, жами 217 345,6 млн. сўм даромад олиниши кутилмоқда. Жами даромадларнинг 2022 йил учун прогноз кўрсаткичларига нисбатан камайиши (242 356,7 млн. сўм) 25 011,0 млн. сўм ёки 10,3 % ни ташкил этади.

2022 йил якунига кўра йўналишдаги йўловчиларни ташишдан 149 039,7 млн. сўм даромад олиниши кутилмоқда. 2022 йил учун прогноз кўрсаткичларига нисбатан йўналишдаги йўловчиларни ташишдан тушган даромаднинг камайиши (173 004,6 млн. сўм) 23 964,9 млн. сўм ёки 13,9 % ни ташкил этади.

2022 йил якунига кўра, транспорт карталаридан фойдаланадиган йўловчиларни ташишдан олинган даромадлар 33 411,1 млн. сўмни ташкил этади. Ушбу даромадларнинг прогноз кўрсаткичларига нисбатан камайиши (34 275,6 млн. сўм) 864,5 млн. сўм ёки 2,5 % ни ташкил этади.

2022 йил якунига кўра, имтиёзли транспорт карталарини сотишда қопланадиган даромадлар 21 736,9 млн. сўмни ташкил этади. Ушбу даромадларнинг прогноз кўрсаткичларига нисбатан ўсиши (20 711,9 млн. сўм) 1 025,0 млн. сўм ёки 4,9 % ни ташкил этади.

2022 йил якунига кўра шаҳар йўловчи транспортидан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган йўловчиларни ташишдан олинган даромадлар 5 013,7 млн. сўмни ташкил этади. Ушбу даромадларнинг прогноз кўрсаткичларига нисбатан камайиши (5 620,5 млн. сўм) 606,8 млн. сўм ёки 10,8 % ни ташкил этди.

2022 йил якунига кўра бошқа фаолиятдан олинган даромадлар 8 144,2 млн. сўмни ташкил этади. Ушбу даромадларнинг прогноз кўрсаткичларига нисбатан камайиши (8 744,1 млн. сўм) 599,9 млн. сўм ёки 6,9 % ни ташкил этади.

2022 йил якунига кўра жами харажатлар 605 591,8 млн. сўм бўлиши кутилмоқда. 2022 йил прогноз кўрсаткичларига нисбатан (556 095,3 млн. сўм) йўловчи ташиш харажатлари 49 496,5 млн. сўмга ёки 8,9 % ошиши кутилмоқда.

Дизел ёкилгиси харажатлари 232 238,0 млн. сўм ташкил этиб, прогноз кўрсаткичларига нисбатан ўсиши 21 756,0 млн. сўмни ёки 110,3 % ни ташкил этади. Газ харажатлари 23 292,6 млн. сўм ташкил этади, прогноз кўрсаткичларига нисбатан камайиши 3 917,8 млн. сўм ёки 85,6 % ни ташкил этади. Эҳтиёт қисмлар, шиналар ва мойлаш материаллари учун харажатлар 48 272,7 млн.сўмни ташкил этади, прогноз кўрсаткичларига нисбатан ўсиши 3 789,0 млн. сўмни ёки 108,5 % ни ташкил этади. Харажатлар таркибида бошқа харажатлар 68 163,5 млн. сўмни ташкил этади, прогноз кўрсаткичларига нисбатан ўсиши 22 815,1 млн. сўмни ёки 150,3 % ни ташкил этди.

2022 йил якунига қадар жами зарарлар 388 246,1 млн. сўмни ташкил этиши кутилмоқда, қопланадиган амортизацияни ҳисобга олган ҳолдаги зарарлар эса 301 232,7 млн. сўмни ташкил этади. 2022 йил якунига кўра, қопланадиган амортизацияни ҳисобга олган ҳолдаги зарарлар 49 454,1 млн. сўм ёки прогноз кўрсаткичларига нисбатан 119,6 % га ошиши кутилмоқда.

«TOSHSANARTRANSXIZMAT» АЖнинг 2022 йил учун (кутилаётган) кўрсаткичлар						
№	Кўрсаткичлар номи	2021 йил (факт)	2022 йил (режа)	2022 йил (кутила- ётган)	млн.сўм Ўсиш	
					(+/-)	%
1.	Ташилган йўловчилар	136,8	158,7	141,0	-17,7	88,9
2.	Жами даромадлар, шу жумладан:	212 947,2	242 356,7	217 345,7	25 011,0	89,7
	- йўналишдаги йўловчилардан	144 879,1	173 004,6	149 039,7	-23964,9	86,1
	- ойлик транспорт карталарини сотишдан	31 361,1	34 275,6	33 411,1	-864,5	97,5
	- имтиёзли транспорт карталарини сотишдан тушадиган даромадлар	18 871,1	20 711,9	21 736,9	1 025,1	104,9
	- имтиёзларга эга бўлган йўловчилар	5 253,1	5 620,5	5 013,7	-606,8	89,2
	- бошқа турдаги даромадлар	12 582,6	8 744,1	8 144,2	-599,9	93,1
3.	Жами харажатлар, шу жумладан:	461 542,6	494 135,3	518 578,4	24 443,1	104,5
	- иш ҳақи ва унга ҳисобланган солиқлар билан биргаликда	133 530,7	141 626,6	116 839,6	-24 816,9	82,5
	- иш ҳақи	119 409,1	126 479,1	122 826,3	-13 652,8	89,2
	- иш ҳақидан ижтимоий тўловлар	14 121,6	15 177,5	4 013,3	-11 164,2	26,4
	- дизель ёкилгисини харид қилиш билан боғлиқ харажатлар	153 863,4	210 482,0	232 238,0	21 756,0	110,3
	- сиқилган газни харид қилиш билан боғлиқ харажатлари	25 278,5	27 210,4	23 292,6	-3 917,8	85,6
	-электроэнергия билан билан боғлиқ харажатлари		0,0	576,1	576,1	0,0
	- амортизация ажлатмалари	28 658,5	23 997,4	28 537,6	4 540,2	118,9
	- эҳтиёт қисмлар ва сервис хизмати	52 581,3	44 483,7	48 272,7	3 789,0	108,5
	- бошқа харажатлар	65 174,7	45 348,4	68 163,5	22 815,1	150,3
	- бошқа фаолият турларидан тушадиган харажатлар	2455,6	956,8	661,2	-295,6	69,1
4.	Қопланадиган амортизация ажратмаларини ҳисобга олган ҳолда қўрилган умумий зарар миқдори	-248 595,4	-251 778,6	-301 232,7	49 454,1	119,6

8.2.2. Молиявий иқтисодий кўрсаткичларнинг 2023 йил учун режаси (бюджети)

2023 йилда “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ корхоналари томонидан жами 262 880,7 млн. сўм даромад олинди кутилмоқда бунда, чекланган тариф 1400 сўмда олинган бўлиб, шу жумладан, йўналишдаги йўловчилардан 184 047,5 млн. сўм, транспорт карталарини сотишдан 38 240,0 млн. сўм, имтиёзли транспорт карталарини сотишда қопланадиган даромадлар – 24 582,0 млн. сўм, имтиёзли йўловчилардан – 6 351,2 млн. сўм, бошқа тур фаолиятдан – 9 660,0 млн. сўм. 2023 йилда “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ корхоналарининг жами харажатлари 773 634,7 млн. сўмни ташкил қилиши кутилмоқда, жумладан иш ҳақи бўйича ЯИТ ҳисоби билан – 144 681,7 млн. сўм, дизел ёқилғиси – 218 923,0 млн. сўм, газ – 57 929,7 млн. сўм, амортизация харажатлари – 19 700,5 млн. сўм, эҳтиёт қисмлар, шиналар, мойлаш материаллари – 48 490,4 млн. сўм, бошқа харажатлар – 56 134,4 млн. сўм, бошқа тур фаолияти билан боғлиқ харажатлар – 940,8 млн. сўм.

2023 йилда “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ корхоналари томонидан шаҳар йўловчи ташишдан кўрадиган зарарлари 510 754,0 млн. сўмни ташкил этади. Қопланадиган амортизацияни ҳисобга олган ҳолда молиявий натижа (зарар) 285 627,3 млн. сўмни, зарар коэффициентини эса 52,1 %ни ташкил этади (жадваллар илова қилинади).

«TOSHSHAHARTTRANSXIZMAT» АЖнинг 2023 йил учун (прогноз) кўрсаткичлар						
№	Кўрсаткичлар номи	2023 йил (режа)				
			1 чорак	2 чорак	3 чорак	4 чорак
1.	Ташилган йўловчилар	171,3	39,1	43,5	40,8	47,9
2.	Жами даромадлар, шу жумладан:	262 880,7	61 821,3,	63 991,2	62 530,5	74 537,8
	- йўналишдаги йўловчилардан	184 047,5	41 470,1	46 117,2	47 438,0	49 022,3
	- ойлик транспорт карталарини сотишдан	38 240,0	9 844,1	8 619,5	7 172,9	12 603,4
	- имтиёзли транспорт карталарини сотишдан тушадиган даромадлар	24 582,0	6 504,2	5 251,6	3 916,8	8 909,3
	- имтиёзларга эга бўлган йўловчилар	6 351,2	1 587,8	1 587,8	1 587,8	1 587,8
	- бошқа турдаги даромадлар	9 660,0	2 415,0	2 415,0	2 415,0	2 415,0
3.	Жами харажатлар, шу жумладан:	773 634,7	161 859,2	186 626,4	209 008,9	216 140,2
	- иш ҳақи ва унга ҳисобланган солиқлар билан биргаликда	144 681,7	32 694,9	34 274,3	37 603,5	40 108,9
	- иш ҳақи	143 249,2	32 371,2	33 935,0	37 231,2	39 711,8
	- иш ҳақидан ижтимоий тўловлар	1 432,5	323,7	339,3	372,3	397,1
	- дизел ёқилғисини харид қилиш билан боғлиқ харажатлар	218 923,0	54 348,0	57 715,0	55 472,0	51 388,0
	- сиқилган газни харид қилиш билан боғлиқ харажатлари	57 929,7	11 828,0	15 067,7	15 520,8	15 513,2
	-электроэнергия билан билан боғлиқ харажатлари	1 707,5	284,6	284,6	284,6	853,7
	- амортизация ажлатмалари	244 827,2	36 724,1	53 862,0	73 448,2	80 793,0
	- қопланадиган амортизация	225 126,7	33 769,0	49 527,9	67 538,0	74 291,8
	- эҳтиёт қисмлар ва сервис хизмати	48 490,4	11 710,8	11 154,0	12 411,1	13 214,6
	- бошқа харажатлар	56 134,4	14 033,6	14 033,6	14 033,6	14 033,6
	- бошқа фаолият турларидан тушадиган харажатлар	940,8	235,2	235,2	235,2	235,2
	Зарарлар	-510 754,0	-100 037,9	-122 635,2	-146 478,4	-141 602,0
4.	Қопланадиган амортизация ажратмаларини ҳисобга олган ҳолда кўрилган умумий зарар миқдори	-285 627,3	-66 268,9	-73 407,3	-78 940,4	-67 310,6

2023 йилда жорий шароитда 262 880,7 млн. сўм миқдорида даромад олиними режалаштирилган. Даромадлар ҳажмининг 2022 йилнинг кутилаётган кўрсаткичларига нисбатан 45 535,0 млн. сўмга ёки 21,0 % га ўсиши кутилмоқда.

2023 йилда йўналишли ташишдан 184 047,5 млн. сўм даромад олиними кутилмоқда. Йўналишли йўловчи ташишдан олинган даромад кўрсаткичлари 2022 йилда кутилаётган кўрсаткичларга нисбатан 35 007,0 млн. сўмга ёки 23,5 % га ўсиши кутилмоқда.

2023 йил якунига қадар транспорт карталаридан фойдаланадиган йўловчиларни ташишдан 38 240,0 млн. сўм даромад олиними кутилмоқда, бу кўрсаткич 2022 йилда ушбу тоифадаги йўловчиларни ташишдан кутилаётган даромадга нисбатан 4 828,8 млн. сўм ёки 14,5 % га кўпдир.

2023 йил якунига қадар имтиёзли транспорт карталарини сотишда қопланадиган даромадлар 24 582,0 млн. сўмни олиними кутилмоқда. 2022 йилда кутилаётган кўрсаткичларга нисбатан ўсиши 2 845,1 млн. сўм ёки 13,1 % ни ташкил этади.

Шаҳар йўловчи ташиш транспортидан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган йўловчиларни ташишдан 2023 йил якунларига қадар 6 351,2 млн. сўм даромад олиними прогноз қилиниб, бу кўрсаткич 2022 йилнинг кутилаётган кўрсаткичларидан 1 337,5 млн. сўмга ёки 26,7 % га кўпдир.

2023 йил якунига кўра жами харажатлар 773 634,7 млн. сўм бўлиши кутилмоқда. Йўловчи ташиш харажатлари 2022 йилнинг кутилаётган кўрсаткичларига нисбатан 168 043,0 млн. сўмга ёки 27,7 % га ўсиши кутилмоқда.

2023 йил учун харажатлар таркибида меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари 143 249,2 млн. сўм ёки умумий харажатларнинг 18,5 % ини ташкил қилади, бу кўрсаткич 2022 йилда кутилаётган харажатларга нисбатан 30 422,9 млн. сўм ёки 27,0 % га ўсишини ташкил қилади. 2023 йил учун дизель ёқилғиси харажатлари 218 923,0 млн. сўмни ёки умумий харажатларнинг 28,3 % ини ташкил қилади, бу кўрсаткич 2022 йил кутилаётган кўрсаткичларга нисбатан 13 315,0 млн. сўм ёки 94,3 % га камайиши кутилмоқда. 2023 йил учун газ харажатлари 57 929,7 млн. сўм ёки умумий харажатларнинг 7,5 % ини ташкил қилади, бу кўрсаткич 2022 йилнинг кутилаётган кўрсаткичларига нисбатан 34 637,1 млн. сўм ёки 148,7 % га ўсишини ташкил қилади. Шунингдек, 2023 йил учун электроэнергия харажатлари 1 707,5 млн. сўмни ёки умумий харажатларнинг 0,22 % ини ташкил қилади, бу кўрсаткич 2022 йил кутилаётган кўрсаткичларга нисбатан 1 131,4 млн. сўм ёки 196,4 % га ўсиши кутилмоқда. 2023 йил учун эҳтиёт қисмлар, шиналар ва мойлаш материаллари харажатлари миқдори жами харажатларнинг 48 490,4 млн. сўм ёки 6,3 % ни ташкил этиши кутилмоқда, бу кўрсаткич 2022 йилда кутилаётган кўрсаткичларнинг 100,5 % ини ташкил қилади. 2023 йил учун харажатлар таркибида бошқа харажатлар 56 134,4 млн. сўм ёки умумий харажатларнинг 7,3 % ини ташкил қилади, бу кўрсаткич 2022 йилнинг кутилаётган харажатларига нисбатан 12 029,1 млн. сўм ёки 17,6 % га камайган.

2023 йилда шаҳар транспортида йўловчи ташишдан 510 754,0 млн. сўм зарар кўриш режалаштирилган. Қопланган амортизацияни ҳисобга олган ҳолда молиявий натижа (зарар) 285 627,3 млн. сўмни, зарар коэффиценти эса 52,1 % ни ташкил этади. 2023 йил якунига кўра, қопланадиган амортизацияни ҳисобга олган ҳолда зарарлар 2022 йилда кутилаётган зарарларга нисбатан 15 605,4 млн. сўм ёки 5,2 % га камайиши кутилмоқда. Шу билан бирга, 2023 йилда зарарлар коэффиценти 2022 йилда кутилаётган зарарларга нисбатан 10,4 % га камайиши кутилмоқда.

8.2.3. Даромадлар шаклланишининг асосий манбаи.

№	Кўрсаткичлар номи	2022 йил (кутилаётган)	2023 йил (режа)	Ўсиш	
				(+/-)	(+/-)
1.	Ташилган йўловчилар	141,0	171,3	30,3	121,5
2.	Жами даромадлар, шу жумладан:	217 345,6	262 880,7	45 535,1	121,0
	- йўналишдаги йўловчилардан	149 039,7	184 047,5	35 007,8	123,5
	-транспорт тариф сотишдан	33 411,1	38 240,0	4 828,9	114,5
	- имтиёзли транспорт тариф сотишдан тушадиган даромадлар	21 736,9	24 582,0	2 845,1	113,1

	- имтиёзларга эга бўлган йўловчилар	5 013,7	6 351,2	1 337,5	126,7
	- бошқа турдаги даромадлар	8 144,2	9 660,0	1 515,8	118,6
3.	Жами харажатлар, шу жумладан:	605 591,7	773 634,7	168 043,0	127,7
	- иш ҳақи ва унга ҳисобланган соликлар билан биргаликда	116 839,6	144 681,7	27 842,1	123,8
	- иш ҳақи	112 826,3	143 249,2	30 422,9	127,0
	- иш ҳақидан ижтимоий тўловлар	4 013,3	1 432,5	-2 580,8	35,7
	- дизель ёкилғисини харид қилиш билан боғлиқ харажатлар	232 238,0	218 923,0	-13 315,0	94,3
	- сикилган газни харид қилиш билан боғлиқ харажатлари	23 292,6	57 929,7	34 637,1	248,7
	-электроэнергия билан таъминла билан боғлиқ харажатлари	576,1	1 707,5	1 131,4	296,4
	- амортизация ажратмалари	115 548,0	244 827,2	129 279,2	211,9
	- копланадиган амортизация	87 013,4	225 126,7	138 113,3	258,7
	- эҳтиёт қисмлар ва сервис хизмати	48 272,7	48 490,4	217,7	100,5
	- бошқа харажатлар	68 163,5	56 134,4	-12 029,1	82,4
	- бошқа фаолият турларидан тушадиган харажатлар	661,2	940,8	279,6	142,3
4.	Қопланадиган амортизация ажратмаларини ҳисобга олган ҳолда қўрилган умумий зарар миқдори	-301 232,7	-285 627,3	15 605,4	94,8
5.	Зарарлар коэффициентини	-58,1	-52,1	6,0	89,6
6.	Қопланган амортизацияни ўз ичига олган ҳолда 1 йўловчи харажати, сум	3 867,8	3 352,9	-515,0	86,7

8.2.4. Зарарларни қоплаш

Ўзбекистон Республикасининг “Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида”ги 1997 йил 25 апрелдаги 419-1-сон қонунининг 15-моддасига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 октябрдаги “Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий фойдаланиладиган транспортда йўловчи ташувчилар фаолиятини ҳамда уларни молиялаштириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2012 йил 17 сентябрдаги 273-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 643-сон қарорига мувофиқ йўловчи ва юк ташишни чекланган тарифда амалга оширадиган шаҳар йўловчи транспорти ташувчиларига зарарлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда тегишли маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Айрим тоифадаги, имтиёзга эга фуқароларни ташиш давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Таъкидлаш жоизки, бошқа мамлакатларнинг тажрибалари шаҳар йўловчи ташиш транспорти субсидияланишини кўрсатмоқда. Бунда, ташувчиларнинг зарарларини молиялаштириш манбалари ҳам маҳаллий маблағлар, ҳам маълум соликлардан тушадиган даромадлар (автомобил ёкилғиси солиғи, автотураргоҳ солиғи ва бошқалар). Узоқ ва яқин хориж мамлакатларида шаҳар йўловчи транспортида йўл ҳақи тарифлари, уларни копланадиган харажатлари ва молиялаштириш манбалари бўйича батафсил маълумотлар 11-иловада келтирилган.

“Тошшаҳартрансхизмат” АЖнинг чорак якунлари бўйича топширилган молиявий ҳисоботлари асосида навбатдаги зарарларни қоплаш учун Тошкент шаҳар ҳокимлигининг молия бошқармасига тақдим этилади.

Юқорида келтирилган зарарларни қоплаш механизмини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, йўловчиларни чекланган тарифларда ташиш, ойлик транспорт картасига эга нафақахўр, талаба ва ўқувчиларни, шаҳар йўловчи ташиш транспортдан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган

йўловчиларни ташиш натижасида, Ўзбекистон Республикасининг “Шаҳар йўловчи транспортдан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида”ги қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг тижорат банкларидан 2012-2013 йилларда 200 донга “Mercedes-Benz Conecto Low Floor” ва 2013-2014 йилларда 145 донга “Исузу” русумли автобусларнинг хариди учун олинган кредит қарздорлигини сўндириш натижасида юзага келган айланма маблағларнинг етишмовчилиги натижасида корхоналар дизель ёкилғиси хариди учун

100 % бўлак тўлаш имкониятига эга эмас.

Шаҳар йўловчи транспортдан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган йўловчиларни ташиш натижасида олинadиган даромадларнинг зарари маҳаллий бюджет ҳисобидан субсидияланади. 2022 йилнинг 12 ойлик якунларига кўра, шаҳар йўловчи транспортдан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган йўловчиларни ташишдан тушадиган 5 013,7 млн. сўм даромад давлат бюджети ҳисобидан қопланади. 2022 йилнинг 12 ойи давомида чекланган тарифда ташишдан кўрилган 301 232,7 млн. сўм зарарлар маҳаллий бюджет ҳисобидан қопланади.

8.2.5. Молиявий барқарорлик, ликвидлилик ва тўлов қобилияти, қарздорлик, (ички ва ташқи) кредитлар юки

Т/р	Кoeffициент номи	2021 йил	2022 йил	2023 йил	Изоҳ
1.	Тўлов қобилияти ёки қоплаш кoeffициенти	0,9	0,6	0,41	Кoeffициентнинг минимал миқдори – 0,2. Агар, тўлов қобилияти кoeffициенти ҳисобот даври охирига 1,25 кўрсаткичдан кам бўлса, корхона тўлов қобилиятига эга эмас ҳисобланади. Кoeffициентнинг камайиши, тўлов қобилиятнинг камайишидан дарак беради.
2.	Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик кoeffициенти	-0,09	-0,6	-2,4	Агар ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик кoeffициенти ҳисобот даври охирида 0,2 дан кам қийматга эга бўлса, у ҳолда корхона ўз айланма маблағлари билан таъминланмаган ҳисобланади.
3.	Активларнинг ва харажатларнинг рентабеллилик кoeffициенти	-0,173	-0,15	0,01	Корхона молия-хўжалик фаолиятини даромадлилик (зарарлилик) даражасини кўрсатади. Меъёрий миқдор 0,05 дан кам бўлишига қарамадан, Жамият паст рентабеллик ҳисобланмайди.
4.	Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш кoeffициенти	0,712	0,632	0,774	Автобусларнинг йўналишдаги амалдаги кунлар сонига мазкур автобусларнинг тасарруфда бўлган кунларига нисбати билан аниқланади. Автобус саройи ҳаракат таркибидан фойдаланиш даражасини исботлайди.
5.	Асосий воситаларнинг эскириш кoeffициенти	0,7	0,7	0,47	Агар, асосий воситалар эскириш кoeffициенти ҳисобот даври охирига 0,5 дан ошса, бу корхонанинг асосий воситаларини эскириши юқорилигидан далолат беради.

Жадвалдан кўриниб турибдики, айланма маблағлар танқислиги мавжуд бўлиб, ушбу бизнес-режада назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида норматив қийматларга нисбатан ҳам, жорий давр қийматларига нисбатан ҳам корхонанинг молиявий барқарорлиги, ликвидлиги ва тўлов қобилиятининг аксарият кўрсаткичларининг яхшиланиши кутилмоқда.

8.2.6. Кредитлар юки

2023 йилнинг бошига Жамиятнинг жалб этилган ташки кредитлар бўйича қарздорлиги 1 039 121,6 млн.сўмни ташкил этиб шундан;

1. 08.05.2009 йилги 04-58 сонли (Mercedes-Benz Conecto Low Floor)- 66 389,5 млн.сўм
2. 20.05.2013 йилги 04-53 сонли (Mercedes-Benz Conecto Low Floor)-97 449,6 млн.сўм
3. 08.07.2022 йилги 248 сони (иш хаки учун) – 1 732,8 млн.сўм
4. 03.04.2012 йилги 04-37сонли (Mercedes-Benz Conecto Low Floor) – 75 253,5 млн.сўм
5. 04.10.2018 йилги 12 сонли (MAN) – 125 823,9 млн.сўм
6. 15.03.2022йилги PF-2022/02 сонли (SAZ LE 60 - 200 ед.; MAN A22 CNG - 190 ед.)-613 775,7 млн.сўм
7. 28.09.2021йилги 315 сонли (YUTONG BUS CO.LTD 20 ед.) – 48 300,0 млн.сўм
8. 2018йил филиаллар томонидан олинган (SAZ LE 60 русумли автобус) – 10396,6 млн.сўм

2023 йилда юкорида курсатилган кредитлар бўйича тулов суммаси 563 567,9 млн.сўмни ташкил этмоқда, шундан давлат кафиллиги асосида 553 171,3 млн.сўм, тизимдаги корхоналар кафиллиги асосида 10396,6 млн.сўм.

Шунингдек Жамият тизимидаги корхоналар томонидан жалб этилган кредитлари бўйича 2023 йил охирига жами қарздорлик 475 553,69 млн.сўмни ташкил этади. Кредитлар асосан, корхоналарга хизмат кўрсатувчи банклар томонидан ажратилган бўлиб, ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилиб келинмоқда.

8.2.7. Давлат бюджетига тўловлар прогнози

Жамият томонидан 2023 йилда давлат бюджетига 32 403.0 млн.сўм солиқлар тўлови амалга оширилиши кўзда тутилмоқда, шундан 2 175,4 млн.сўм қўшилган қиймат солиғи, 4275,2 млн.сўм мол-мулк солиғи (Солиқ кодексига асосан кўчмас мулкнинг 1 кв.метри учун белгиланган энг кам қиймати 2500 млн.сўмда ҳисобга олган), 5 400.6 млн.сўм ер солиғи (2018-2022йиллар оралигида солиқ ставкаси уртача йилига 13%га ошганлигини ҳисобга олган ҳолда), 19 566,26 млн.сўм jisмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи.

Режалаштирилаётган йилда Жамият томонидан фойда солиғи тўланиши белгиланмаган, бунинг асосий сабаби, чекланган тарифлар бўйича йўловчи ташиш фаолияти ижтимоий зарур соҳалардан бири бўлиб, молия-хўжалик фаолияти зарар билан якунланади. Мазкур қўрилган зарарлар давлат бюджетига томонидан субсидия ажратиш йўли билан қопланади.Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Солиқ” кодексига мувофиқ, йўловчи ташиш корхоналари, шунингдек жамоат транспорти шохбекатлари ер ва мулк солиғидан озод қилинган.

"TOSHSHAHARTRANSXIZMAT" АЖнинг 2022 йил учун давлат бюджетига тўловлар режаси

млн.сўм

№	Тўловлар	2021 йил	2022йил 9 ойлик (факт)	2022 йил кутилаётган	2023 йил (режа)	Ўзгариш		Шу жумладан			
						(+/-)	%	1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак
	Жами	25 758,5	23 938,5	30 923,9	32403,0	1479,1	578,6	7669,1	7 761,9	7 792,8	7 700,0

1.	Эгри солиқлар, шу жумладан:	985,7	1876,3	2501,7	2175,4	-326,3	87,0	620,4	627,9	630,4	622,9
	КҚС	985,7	1876,3	2501,7	2175,4	-326,3	87,0	620,4	627,9	630,4	622,9
	Акциз					0,0		0,0	0,0	0,0	0,0
2.	Ер каъридан фойдаланганлик учун солиқ	-	0	0	0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
3.	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	260,4	682,575	910,1	955,6	45,5	105,0	225,7	228,4	229,3	226,6
4.	Фойда солиғи	-	0	0	0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
5.	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, қатъий белгиланган миқдордаги солиқ суммалари ва ижтимоий солиқ	24 296,2	14 741,40	18634,53	19566,26	931,7	105,0	4621,4	4677,3	4695,9	4640,0
6.	Мол-мулк солиғи	194,1	3053,7	4071,6	4275,18	203,6	4,8	1009,8	1022,0	1026,0	1013,8
7.	Ер солиғи	-	3584,5	4779,3	5400,6	621,3	13,0	1185,3	1199,6	1204,4	1190,1
8.	Айланмадан олинадиган солиқ	-	0	0	0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
9.	Давлат бож ва йиғимлар	5,5	0	6,6	11,27	4,7	170,8	1,6	1,7	1,7	1,6
10.	Бошқа солиқлар	16,6	0	19,97	18,6	-1,4	93,1	5,0	5,0	5,0	5,0

IX. Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (KPI)

Жамият самарадорлигининг муҳим кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон Фармонида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида»ги 2015 йил 28 июлдаги 207-сон қарорига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат иштирокидаги корхоналар самарадорлигини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2020 йил 9 декабрдаги 775-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик жамияти фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонларини белгилайди.

Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (кейинги ўринларда СМК деб аталади) Жамиятнинг ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини аниқлаш учун фойдаланиладиган баҳолаш мезонларининг миқдорий ўлчовидан иборат бўлади.

СМКни ҳисоблашнинг даврийлиги ҳар чоракдан иборат бўлади ва Жамиятнинг ваколатли бошқарув органи қарори билан белгиланади.

Бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва топшириш муддатидан қатъий назар, Жамият ҳар чоракда СМК бажарилишини ҳисоблайди ва эълон қилади.

Жамиятнинг Кузатув кенгаши қарорига асосан ижро этувчи орган фаолияти самарадорлиги куйидагича эътироф этилади:

қониқарсиз - СМК миқдори 40 фоиздан кам бўлса;

паст даражада - СМК миқдори 40 фоиздан 60 (ушбу даража ҳам қиради) фоизгача бўлса;

етарли даражада эмас - СМК миқдори 60 фоиздан 80 (ушбу даража ҳам қиради) фоизгача бўлса;

ўртача даражада - СМК миқдори 80 фоиздан 90 (ушбу даража ҳам қиради) фоизгача бўлса;

етарли даражада - СМК миқдори 90 фоиздан 100 (ушбу даража ҳам қиради) фоизгача бўлса;

юқори даражада - СМК миқдори 100 фоиздан ошса.

Давлат активларини бошқариш агентлигига самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини электрон кўринишда қуйидагича тақдим этади:

I чорак, ярим йиллик ва тўққиз ой якуни бўйича — ҳисобот давридан кейинги ойнинг 30-санасигача;

йил якуни бўйича — ҳисобот давридан кейин 1 мартдан кечиктирмай

Жамият самарадорлиги муҳим кўрсаткичларининг 2022 йил учун прогнози 10.13-иловада келтирилган.

Х. Иловалар

10.1. 2023 йил учун йўловчилар ташиш режаси

10.2. 2023 йил учун даромад режаси

10.3. 2023 йил учун Даромадлар шаклланишининг асосий манбаи

10.4. 2023 йил учун молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар режаси

10.5. 2023 йил учун йўловчи ташиш хизматини кўрсатиш таннархининг таркиби (шаклланиши)

10.6. 2023 йил учун пул оқимлари прогнози

10.7. 2023 йил учун кредиторлик ва дебиторлик қарздорликлар

10.8. 2023 йил учун корхона томонидан эсалб этилган (этиладиган) банк кредитлари

10.9. 2023 йил учун давлат бюджетига тўловлар режаси

10.10. Ривожланган давлатларда ҳамда яқин хориж мамлакатларида транспорт корхоналарига субсидия ажратиш механизми

10.11. 2023 йилда кутилаётган бухгалтерия баланси (чораклар кесимида)

10.12. 2023 йилда кутилаётган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (ўсиб боровчи тартибда чораклар кесимида)

10.13 2023 йил Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари

Бошқарув раиси

Бош бухгалтер



А.З. Джураев

О.А. Исламова

М У Н Д А Р И Ж А

I. Жамият тўғрисида умумий маълумот

- 1.1. Жамият реквизитлари (умумий маълумотлар, жамият паспорти)
- 1.2. Жамиятнинг ташкилий ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмаси, тармоқ корхоналари тўғрисида маълумот
- 1.3. Жамият бугунги кун ҳолатигача бўлган тарихи ва охириги йилларда эришган натижалари
- 1.4. Жамият филиалларидаги мавжуд қувватлардан фойдаланиш ҳолати.
- 1.5. Жамият бошқарув ва ижроия органи аъзолари. Кадрлар сиёсати, ишчи-ҳодимлар, тўғрисида маълумот. Иш ҳақи тўлаш тизими.

II. Жамиятни ислоҳ қилиш

- 2.1. Истиқболли ривожланиш стратегияси
- 2.2. Ислоҳ қилиш мақсади ва босқичлари
- 2.3. Ислоҳ қилишнинг 2023 йил учун режаси

III. Бозор таҳлили ва маркетинг режаси

- 3.1. Бозор таҳлили
 - 3.1.1. Йўловчи ташиш хизматининг асосий истеъмолчилари таркиби
 - 3.1.2. Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш бозори
 - 3.1.3. Транспорт хизматлари бозоридаги рақобат
 - 3.1.4. Йўловчи ташиш бозорининг тузилиши ва хусусиятлари. Рақобатчилар таҳлили.
 - 3.1.5. Шаҳар жамоат транспортининг қиёсий таҳлили
 - 3.1.6. Билвосита рақобатчилар
- 3.2. Автобусларни таъмирлаш хизматлари
 - 3.2.1 Бозор тузилиши ва хусусиятлари. Рақобатчиларни таҳлили
